O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил
27 НОЯБР
сешанба
№ 48 (252)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

*Кучли давлатдан — кучли жамият сари*

**Пўлат САМАТОВ,**
**Адлия вазирининг ўринбосари**

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ЎЗБЕК МОДЕЛИ

### *Фуқаролик жамиятининг конституциявий асослари ҳақида мулоҳазалар*

Фуқаролик жамияти бу — жамоатчилик тизими бўлиб, ўзини — ўзи бошқаришга асосланган жамиятдир. Давлат ривожланиб боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифалари босқичма-босқич тарзда бевосита халққа, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтиб боради. Мазкур тизимни шакллантиришнинг муҳим мезони демократик жараёнларни фаоллаштириш, кенг халқ оммасини бошқаришга жалб қилишни амалга оширишни назарда тутади. Албатта, бу жараён ҳар бир фуқародан сиёсий, ҳуқуқий, маънавий юксакликни талаб этади.

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга катта эътибор берилади. Унинг асосий мақсади инсоннинг мақсад, орзу-ниятларини шу жамиятдаги тузилмалар, ижтимоий институтлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Фуқаролар ушбу ташкилот, бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар. Президентимиз таъкидлаганларидек, биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади.

Шу билан бирга Конституциямизнинг муқаддимасида халқимизнинг олий мақсади — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш эканлиги алоҳида қайд этилган.

Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам тараққиёт йўлини танлар экан, аввало, фуқароларнинг барча талаб ва эҳтиёжларини тўлақонли қондира оладиган демократик жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бундай эзгу мақсадларга эришиш йўллари турлича бўлиб, ҳар бир мамлакат бунга ўзининг потенциал имкониятию аниқ шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Ўзбекистон ривожланган демократик жамиятга кучли давлат воситасида ўтиш йўлини танлади. Бу ғоя Юртбошимизнинг асарларида батафсил ифодалаб берилган.

Давлатимиз раҳбари "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" деган ғояни ўртага ташлаб, инсоннинг жамиятда тутган ўрни, унинг ижтимоий ҳаётдаги мавкеи ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги вазифалари тўғрисида шундай деган эди: "Шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизоми, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларига қаратмоғи зарур.

Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилиши лозим".

Демак, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатларининг кенгайтириб борилиши ва жамоат бирлашмалари тизимининг такомиллашуви фуқаролик жамиятининг характерли хусусиятларидан бири бўлиб, тараққиётга хизмат қиладиган фикрлар хилма-хиллиги ва эркинлигига кенг йўл очади, ривожланишнинг янги қирралари, тамойилларини белгилаш имкониятини яратади.

Конституциямизнинг 105-моддаси ва янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини амалга оширишга кафолат беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, жамиятни эркинлаштириш тизимида, унинг асосий қоидаларини рўёбга чиқаришда маҳалла алоҳида ўрин тутади. Чунки маҳалла бошқарувнинг бошқа бўғинларига нисбатан халққа яқинроқ бўлиб, одамлар билан бевосита иш олиб боради. Бу тизимнинг хорижда эътироф этилиши бежиз эмас.

Конституциямиз моҳият-эътибори билан ҳар бир инсоннинг эҳтиёжи, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган. Жамиятда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омиллари саналади.

Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, жамият сиёсий ҳаётида сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа демократик институтлар орқали тобора кенг иштирок этмоқдалар.

Нодавлат, жамоат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг ўзига хос пойдеворини ташкил этади. Яъни фуқаролар бу ташкилотлар орқали ижтимоий-сиёсий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатиш имкониятларига эга бўладилар. Бош Қомусимизнинг XIII бобида мамлакатимизда жамоат бирлашмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги иштироки қайд этиб ўтилган. Асосий Қонунимизнинг 56-моддасига асосан касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунида нодавлат ташкилотларнинг моҳияти, мақсади, шакллари, мақоми ва фаолият доираси ўзининг аниқ ифодасини топган.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва жамиятнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмаси жамоат бирлашмаси ҳисобланади. "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида таъкидлаганидек, жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини рағбатлантириш, касб-кор ва ҳаваскорлик, илмий-техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Жамоат бирлашмаларининг Уставлари рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, улар ўз фаолиятларини амалга ошириш ваколатига эга бўладилар ҳамда юридик шахс сифатида эътироф этиладилар.

Жамоат бирлашмалари қонунда белгиланган тартибда:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;

— давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Касаба уюшмалари ҳам жамоат бирлашмалари таркибига кириб, уларнинг ҳуқуқий ҳолати "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади. Асосий Қонунимизнинг 59-моддасига кўра касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Жамоат бирлашмаларининг яна бир кўриниши сиёсий партиялардир. Конституциямизнинг 60-моддасида қайд этилганидек, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар фаолияти "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги) Қонун билан тартибга солинади.

Конституциямизнинг 58-моддасига кўра, давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди. Уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Мамлакатимизда давлат органлари билан жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий муносабатлари шундай йўлга қўйилганки, давлат жамоат бирлашмалари шаклланишининг ички таркиби ва фаолияти масалаларида мустақиллигини конституцион эътироф этиб, уларнинг ички ишларига бевосита аралашмайди.

Бош Қомусимизнинг 62-моддасига биноан жамоат бирлашмалари фаолиятини тугатиш, тақиқлаш ва чеклаб қўйиш унинг юқори органи қарори ёки суд қарори асосида амалга оширилади.

Асосий Қонунимизнинг 57-моддасига кўра, мамлакатимизда Конституция ва амалдаги қонунларга зид равишда фаолият юритадиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Мамлакатимизда ўтган ўн йил мобайнида жамоат ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Бошқача айтганда, давлатнинг ўзи жамоат бирлашмаларининг тизимини шакллантириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтган 300 дан зиёд халқаро ва республика миқёсидаги, 2000 дан ортиқ маҳаллий мақомдаги жамоат бирлашмалари, жумладан, 4 та сиёсий партия, 3 та ижтимоий ҳаракат, 16 та тармоқ касаба уюшмаси, 40 га яқин дўстлик жамияти, 40 дан ортиқ спорт федерацияси ва бошқа нодавлат ташкилотлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар ҳам дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, миллий анъана, урф-одатларни сақлаб қолиш ва уларни янгича мазмун билан бойитишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Олий Мажлис таркибида янги Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг ташкил этилиши ҳам Ўзбекистонда демократик жараёнлар чуқурлашиб бораётганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ушбу институт ўз навбатида, давлат ҳокимиятининг қарорлари ва қабул қилинган қонунларни амалга оширишга бевосита халқ назоратини кучайтириш, демократик институтлар, ноҳукумат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимини янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилгандир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос ҳуқуқий тизими яратилган бўлиб, бу жараён босқичма-босқич чуқурлаштириб борилмоқда. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ҳамда ривожлантиришга, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.







*Қорақалпоғистон обидалари*

*Огоҳликка даъват!*

## ЁЛЛАНИШ — ТЕРРОРИЗМ ТУЗОҒИ

Инсоният янги XXI асрда ҳам миллий-минтақавий низолар, тинчлик ҳамда осойишталикка хавф солиб турган турли кўринишдаги таҳдиду тажовузлардан халос бўлолмади. Ўтган XX аср ўрталарида пайдо бўлган социалистик лагер аталмиш тизимнинг барҳам топиши жаҳон миқёсида ядровий уруш хавфини анча камайтирган бўлса-да, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм, гиёҳванд моддаларининг ноқонуний айланиши, сепаратизм, экстремизм каби иллатлар, афсуски, сақланиб қолди.

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб ер юзида колониал тизимнинг емирилиши натижасида кўпгина давлатларда миллий озодлик ҳаракати, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш шиори остида юзага келган вазият тўлқинида мазкур ҳудуддаги айрим қарама-қарши кучлар муайян тайёргарликдан ўтган, замонавий қурол-яроқ билан таъминланган, ҳар қандай пасткашликдан қайтмайдиган айрим кимсаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш йўли билан ёлланма шахс сифатида жалб қилиш пайига тушишди. Шу аснода қуролли тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашишга хоҳиш билдирган ёлланувчиларнинг аксарияти асосан қўпорувчилик, одам ўлдириш ва террорчиликни ўзига касб қилиб олган жиноятчилардан иборат эди.

Африка ва Осиё қитъалари, айниқса, араб мамлакатларида бу салбий жараён оқибатида оғир фожиалар рўй бериб, минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлаётганидан ташвишланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа кўпгина нуфузли халқаро анжуман қатнашчилари мазкур масалани бир неча маротаба муҳокама қилиб, халқаро миқёсда ғоят муҳим аҳамиятга молик ҳуқуқий ҳужжатларга имзо чекдилар.

Жумладан, БМТ 1976 йил 30 ноябрдаги 31-34-сонли резолюциясида миллий озодлик ҳаракати ёки мустақиллик ҳаракатларига қарши ёлланувчилардан фойдаланиш кескин қораланди ва жаҳон ҳамжамиятига аъзо давлатлар ўз фуқароларининг ёлланишини таъқиқловчи миллий қонунлар қабул қилиш лозимлигини тавсия этди. Бу таклифга айрим давлатлар қўшилиб, миллий қонунларида ёлланиш фаолиятини жиноий қилмиш сифатида баҳо бериб, жиноят қонунчилигида тегишли моддалар қабул қилган бўлса, баъзи мамлакатларнинг раҳбарлари фақат чиройли баёнотлар ва баландпарвоз сўзлар билан чекланиб қолишди.

Бундай муносабатнинг асосий сабабларини БМТ резолюциясида ёлланиш ҳаракатининг ҳар қандай шакл ва кўринишининг олдини олиш, унга қарши курашда ягона халқаро ҳамкорликнинг сустлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва шартномаларни бажармагани учун мазкур давлатларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги масаласи аниқ-равшан белгиланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Чунончи, собиқ социалистик лагери таъсирида бўлган давлатларнинг ташқи ва ички сиёсатида ёлланувчиларни миллий озодлик ҳаракати қаҳрамонлари, жамиятни инқилобий йўл билан тараққий этишига хизмат қилаётган инқилобчилар, деб кўкларга кўтариб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туришди.

Маълумки, собиқ шўролар иттифоқи парчаланиб, мустақил давлатлар ташкил топгандан сўнг айрим мамлакатларда ички ва ташқи зиддиятлар авж олиб кетди. Хусусан, мавжуд конституцион тизимни ағдариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни ўзгартириш, мамлакат ҳудудини парчалаб ташлаш ва бошқа ғаразли ниятларни амалга оширишга ҳаракат қилувчи турли ғояларга мансуб сиёсий партиялар, оқимлар, гуруҳлар пайдо бўлди. Уларда ўз ниятларини рўёбга чиқариш учун ёлланувчи шахслардан фойдаланиш эҳтиёжи юзага келди. Ёлланувчилар сафини собиқ иттифоқ республикаларида юзага келган бошбошдоқлик, иқтисодий-ижтимоий инқироз ва бошқа салбий вазиятлар ўлароқ ишсиз қолган минглаб жисмонан бақувват, ҳарбий тайёргарлик ва муайян тажрибага эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда қуролли кучлар шахсий таркиби ходимлари ҳисобидан тўлдирилган бўлса, иккинчи томондан шахсий манфаат учун ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиган қўли қон жиноятчи шахслар ва уларнинг таъсири остида дунёқараши мустақил шаклланмаган ишсиз ёшлар ташкил этди.

Россия, Грузия, Молдавия каби мамлакатлар ҳудудларида содир бўлган қуролли тўқнашувлар ва ҳарбий ҳаракатларда шундай тоифадаги ёлланувчилар кенг жалб қилинганлиги фикримизнинг далилидир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, БМТ ва унинг махсус органлари томонидан халқаро ҳуқуқ нормаси сифатида қабул қилган ҳужжатларда ёлланишнинг асосий мезонлари таърифлаб берилган. Хусусан, Женева битимлари 1-Баённомасининг 47-моддасида "ёлланиш" атамаси қуйидагича изоҳланган:

а) ёлланувчи низолашаётган мамлакатнинг фуқароси ҳам, тўқнашувчи томоннинг назоратидаги ҳудудида истиқомат қилувчи шахс ҳам эмас, у қуролли кучлар таркибига ҳам кирмайди ва бирор давлат томонидан унинг қуролли кучлари сафида расмий вазифаларини бажариши учун юборилмайди. Бошқача айтганда, ёлланувчи низолашаётган томонларнинг биронтаси билан бевосита ҳуқуқий муносабатга эга эмас;

б) ёлланувчи деганда одатда хорижда қуролли тўқнашувда қатнашиш учун махсус ёлланган шахс тушунилади;

в) ёлланувчилар, энг аввало, шахсий фойда олиш учун ёлланиш жиноятини содир этади.

XX асрнинг охирги чорагидан бошлаб собиқ социалистик лагер давлатларида юз берган воқеаларда ёлланувчилардан фойдаланиш усуллари таҳлил этилган мазкур ҳаракат тури кўриниш ва ниқоблар остида намоён бўлаётганлиги аён бўлади. Қонун нуқтаи назардан уларнинг фаолияти шу пайтгача қабул қилинган халқаро ҳуқуқ ҳужжатларда ўзининг тўлалигича аксини топмаганига ишонч ҳосил қилинади. Чунончи, "Ёлланувчини жалб қилиш, фойдаланиш, ўқитиш ва уни молиявий қўллаб-қувватлашга қарши кураш" халқаро Конвенция ва Женева Конвенциясининг Қўшимча Баённомасининг 47-моддаси иккинчи қисмида ёлланувчи шахс моддий манфаатдорликни кўзлаб, қуролли тўқнашув ва ҳарбий ҳаракатларда низолашаётган томонлардан бирининг тарафида қатнашиши назарда тутилган. Бироқ айрим давлатлардаги воқеалар шуни кўрсатмоқдаки, ёлланувчилар моддий манфаат ёки шахсий фойда олиш учун низолашаётган томонлар ҳудудида бўлиб, жиноий йўл билан, яъни ўзганинг мулкини талончилик, босқинчилик усуллари билан қўлга киритиб, ўз нафсларини қондиришмоқда.

Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқ нормаларида ёлланишнинг мезонларидан бири сифатида уларга низолашаётган томонларнинг ҳарбий хизматчиларига нисбатан кўпроқ ҳақ тўланиши таъкидланган (Халқаро Конвенциясининг 1-моддаси 1-қисми "Б" банди, Қўшимча Баённоманинг 47-моддаси 2-қисми "С" банди).

Ваҳоланки, жаҳон оммавий ахборот воситаларининг берган маълумотларига қараганда, 1990 йиллардан бошлаб собиқ иттифоқ республикалари, Яқин Шарқ ва Африка қитъасининг айрим давлатлари фуқароларини арзон гаровга ёллаш туфайли уларга низолашаётган мамлакатлар қуролли кучларида хизмат қилаётган оддий ҳарбий хизматчиларнинг маошидан ҳам кам ҳақ тўланмоқда. Айрим низолашаётган давлатлар назоратидаги ҳудудда эса ёлланувчилар фаолиятини ошкоралаштириш (легаллаштириш) мақсадида уларни "ўтроқлаштириш" сиёсатини юргизиб, доимий яшашларига ижозат бериш, уй-жой ва бошқа кўчмас мулк "инъом этиш" ҳоллар ҳам учрамоқда.

(Давоми учинчи бетда)




**Академик Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти 100 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримов институт жамоасига самимий табрик мактубини йўллади.**

**Институтнинг 100 йиллиги муносабати билан институтнинг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди.**

* * *

Олий хўжалик судида Республика хўжалик судларининг 10 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилди.

* * *

**Парламентнинг навбатдаги сессияси олдидан Олий Мажлиснинг атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.**

* * *

Тошкент Давлат Техника университетида "Инновация-2001" халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади.

* * *

**Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасининг "Ўзбекистон" нашриёти Президент Ислом Каримовнинг "Тинчлик учун курашмоқ керак" рисоласини кўп минг нусхада чоп этди.**

* * *

БМТнинг "Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш" конвенцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан болалар масканларида тадбирлар уюштирилмоқда.

* * *

**Ўзбек Миллий Академик драма театрида "Ёш оналар" республика кўрик-танлови якунланди.**

* * *

2002 йилнинг ёзида Канаданинг Калгари шаҳрида "Катта саккизлик" саммити ўтказилади.

*Ҳар кимки ёмон бўлса...*

## ХАЛҚ НАФРАТИ

### *унга учраганларнинг ҳоли харобдир*

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик жамият қуриш сари интилмоқда. Ҳозирги пайтда унинг ҳуқуқий асослари барпо этилган. Халқимизнинг мустақиллиги ва осойишталигини таъминлаш эзгу вазифаларнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Чунки мамлакатимизнинг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартириш, қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлаш, мамлакат ҳудудий яхлитлигини бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш ва шундай мазмундаги иғво гапларни тарқатиш каби жирканч жиноятлар содир этилаётгани бу борада мавжуд бўлган хавф-хатар ва таҳдидларининг кўламидан дарак беради.

Шунингдек, бундай ғайриқонуний ҳаракатларни содир этишга урунувчи айрим кимсалар ҳам учраб турибдики, бу кимсаларнинг хатти-ҳаракати мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқарони ғазаблантириши табиий. Конституцияга хилоф равишда амалдаги давлат тузумини ва ҳокимиятни босиб олишга қаратилган фитналар уюштириб, давлат органлари фаолияти ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига путур етказиш фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига қарши қаратилан оғир жиноятларни содир этиш билан шуғулланиб келган кимсалардан бири Фарҳод Қодирқуловдир.

Жиноятчилар тўдасига қўшилган Фарҳод июн ойига қадар террорчиларнинг лагерларига ҳарбий тайёргарликдан ўтади. Шундан сўнг юртимиз ҳудудида террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун Искандар Худойберганов, Абдураҳим Саидалиев, Аҳмад Бекмирзаевлар билан биргаликда жиноий гуруҳ тузади. Гуруҳ аъзолари Хўжанд вилоятининг Ўратепа туманида яшовчи диний ақидапараст Раҳматилло Ҳамидовнинг уйида йиғилишиб туради. Улар бу ерда Ўзбекистон ҳудудида қўпорувчилик ва терроризм ҳаракатларини содир этиш, жиноий уюшма аъзоларини босқинчилик йўли билан моддий томондан таъминла туриш режасини тузишади.

Кўзлаган жиноий мақсадларини амалга ошириш мақсадида гуруҳ аъзолари Тошкент шаҳар, Юнусобод туманининг Т.Пўлатов номидаги кўча 49-хонадонга бостириб кириб, уй эгаси Садриддин Жалилов ва унинг рафиқасига оғир тан жароҳати етказишади. Натижада Садриддин Жалилов вафот этади. Босқинчилар Қамарнисо кўчаси бўйлаб қочиб кетаётган пайтида пост-патрул хизмати ходимлари томонидан тўхтатилади. Жиноят содир этганликда гумон қилинганларни тўхтатиб, текшириш вақтида уюшган гуруҳ аъзолари милиция ходимларига қаршилик кўрсатишади. Олишув давомида улар милиция ходими Олим Муҳамедовни ваҳшиларча ўлдиришади ва унинг қуролини олиб кетишади. Тез орада жазодан қочиб юрган гуруҳ аъзолари қўлга олинди. Жиноят гуруҳнинг бошлиғи бўлган Фарҳод Қодирқулов Жиноят кодексининг 242-247, 161-моддалари билан айбдор деб топилди ва қилмишига яраша жазо олди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай кимсалар халқ нафратига учрашган. Улар икки дунё тавқиланъатини бўйнига осишган. Халқ нафрати эса кечирлмасдир. Чунки ўз халқига қўл кўтарган нонкўр кимсага бундан ортиқ жазо йўқ. Бундай кимсалар абадулабад лаънатланишга маҳкум.

**Қолқон ЖЎРАЕВ,**
**Адлия кичик маслаҳатчиси**

«ИНСОН ва ҚОНУН»

катта йўлга тараддуд кўраётир.

Сиз-чи, азиз муштарий?




Агар бизга келгуси йилда ҳам ҳамроҳ, ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлишни ният қилсангиз, "Инсон ва қонун" газетасига 2002 йил учун обуна бўлишга шошилинг!

## "МЕН НЕГА "ИНСОН ВА ҚОНУН"ГА ОБУНА БЎЛДИМ?"

Ҳурмат таҳририят ходимлари!

Ушбу хатни йўллашга обуна бўлиш жараёнида кўнглимда туғилган баъзи бир фикр-мулоҳазалар туртки бўлди.

Маълумки, айни кунларда мамлакатимизда барча даврий нашрларга обуна мавсуми қизғин давом этмоқда.

Албатта, обуна бўлиш мутлақо ихтиёрий, ҳар бир киши ўзининг қизиқиши, талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, маълум бир газета ёки журналга ёзилади.

Мен бир қатор газета-журналлар қатори **"Инсон ва қонун"**га ҳам обуна бўлдим.

Хўш, нега айнан **"Инсон ва қонун"**га обуна бўлдим.

Албатта, бунинг ўзига хос бир қатор сабаблари бор.

Агар **"Инсон ва қонун"**нинг саҳифаларига холис назар ташласак, бугунги кунда долзарб саналган бир қатор мавзуларни атрофлича ёритиб келаётганига гувоҳ бўламиз.

Газета биргина **"Конституция ва биз"** рукни остида йигирмадан зиёд сабоқларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этди. Албатта, гап сонда эмас, аммо бу сабоқлар малакали мутахассислар томонидан ёзилган, тили содда ва равон. Бу ўз навбатида Бош қомусимизнинг маъно-моҳиятини чуқурроқ англашда яқиндан кўмак беради.

Ёки газета саҳифасида мунтазам чоп этиб келинаётган **"Савол беринг!"** рукнини олиб кўрайлик. Мазкур рукн орқали юзлаб газетхонлар ўзларини қизиқтирган саволларга қонун нуқтаи назаридан аниқ жавоб олишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, **"Инсон ва қонун"** моҳият-эътибори билан жамиятимиз ҳуқуқий онгини янада шакллантириш, қонунларимиз тарғиботи сингари эзгу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мен юқорида қайд этган фикрлардан келиб чиқиб, **"Инсон ва қонун"**га обуна бўлдим.

Ўйлайманки, менинг бу фикримга бошқа газетхонлар ҳам қўшилади.

**Муяссар ҚОДИРОВА, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, 2-квартал, 2-уй, 39- хонадон**

*Бугуннинг гапи*

# ҚАРОР ЧИҚДИ, ИЖРОСИ-ЧИ?

Навоий вилоятининг айрим хўжаликларида фермерлар фаолиятига тўсқинлик қилиш, иложи бўлса, ер бермаслик, ҳар хил сабаб-баҳоналарни рўкач қилиб, ишни пайсалга солиш ҳоллари учраб турибди. Айниқса, Навоий туманида бундай аҳвол тез-тез такрорланаяпти. Гап шундаки, "Сайим бобо" фермер хўжалигини ташкил этиш, унга 49 йил муддат билан 10 гектар ер ажратиш тўғрисида "Нарпай" ширкат хўжалигининг 2000 йил 25 апрелдаги умумий йиғилиши қарори чиққан эди. Ширкат хўжалигининг ушбу қарорига асосан Навоий тумани ҳокимининг 2001 йил 19 январда ерни ижарага бериш ҳақидаги қарорига имзо чекилди. Ўртада шартнома тузилиб, фермер хўжалиги раиси Р.Омонов 2001 йил 6 февралда 023495-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома ҳам олганди.

Аммо ширкат хўжалиги тузилган ижара шартномаси шартларига зид равишда "Сайим бобо" фермер хўжалигига тегишли ерлардан фойдаланиб келган ва ерни ҳозирга қадар бермаган. Хўжалик маъмурияти бу билан **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонунининг 4- ва 14-моддалари талабларини қўпол равишда бузган.

Вилоят адлия бошқармаси Навоий тумани ҳокими номига тақдимнома киритиб, фермер хўжалигига ажратилган ерларни олиб берди ва қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга тегишли тартибда интизомий чора кўрди.

Навбаҳор туманида ҳам айни шундай ҳолни кўриш мумкин. Буни соддароқ қилиб айтсак, емаган сомсага пул тўлашдан бошқа нарса эмас. Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари С.Бегматов ва Н.Ўроловлар томонидан "Олмазор" фермер хўжалигининг уч йиллик иқтисодий фаолияти текширилиб, 1998 йил инфраструктура ва ободонлаштириш йиғими учун солиқлар ҳисоботи тақдим этилмаган, деган баҳона билан шу йилнинг 23 февралида туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ҳ.Ҳамидовнинг қарори билан 4900 сўм маъмурий жарима жазоси белгилаган. Бу пайтда солиқ идораси ходимлари фермер хўжалигининг 1997 йил 3 сентябрда ташкил этилганига эътибор беришмаган. Улар Солиқ Кодексининг 31-моддаси 11-бандида янги ташкил этилган деҳқон (фермер)хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашдан, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар бўйича рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан маълум йил солиқдан озод этилишини эсдан чиқариб қўйишган кўринади, шекилли.

МЖТКнинг 36-моддасида маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланиши мумкин бўлишига қарамасдан, солиқ идорасидагилар шунча йил ўтгач, жавобгарликка тортганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Бу фермернинг йўлига атай сунъий тўсиқ қўйишми ёки таъмагирлик?!

Ушбу масала Навоий вилоят жиноят ишлари бўйича судида назорат тартибида кўрилиб, 29 июн кунги қарори билан бекор қилинди ва фермер хўжалиги раиси ҳамда ҳисобчисига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун даъво аризаси киритилди.

Худди шундай воқеа тумандаги "Хончорбоғ" фермер хўжалиги бошига ҳам тушди. Туман солиқ идораси ходимлари хўжаликнинг 1997-2000 йилларда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан жорий йилнинг 19 февралида текшириш ўтказишган ва фермер хўжалиги томонидан 1998 йилда инфраструктура ва ободонлаштириш йиғими учун солиқ ҳисоботи тақдим этилмади, деган хулосага келишган. Натижада Навбаҳор туман Давлат солиқ идораси бошлиғи вазифасини бажарувчи Х.Ҳамидов ҳам шошма-шошарлик билан фермерни 2450 сўм маъмурий жарима жазосига тортиш тўғрисидаги қарорга имзо чекиб юборган. Текшириш жараёнида 1999 йили ер солиғи учун 18 минг 200 сўм тўланганлиги аниқланган ва ушбу факт 2001 йил 19 февралдаги далолатномада кўрсатилганлигига қарамасдан, фермер хўжалиги раиси ва бош ҳисобчиси ноқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортилган. Чунки Солиқ кодексининг 133-моддасида "Агар солиқ ва йиғимларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўпланган суммалари бошқа тур бўйича боқиманданинг ўрнини қопласа, солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларни тўламаганлик ёхуд тўлиқ тўламаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади", дейилган. Ана шу иш юзасидан вилоят жиноят ишлари бўйича судига тақдимнома киритилди. Вилоят суди Навбаҳор туман давлат солиқ идорасининг қарорини назорат тартибида кўриб, бекор қилди. Етказилган зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси қаноатлантирилди.

Бундай мисоллар вилоятда талайгина. Биз улардан 2-3 таси тўғрисида фикр юритдик. Вилоят адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими йил бошидан буён 89 та шикоят ва аризани кўриб чиқди. Уларнинг 56 таси қаноатлантирилди. Судларга 88 та даъво аризаси юборилди. Ҳозиргача кўриб чиқилган 60 та фуқаролик иши бўйича жавобгар саналган юридик шахслар зиммасига жами 68 миллион 865 минг 232 сўмлик моддий ва маънавий зарарни қоплаш мажбурияти юкланди. Унинг асосий қисми ҳозирдаёқ тадбиркорларга ундириб берилди. Айни пайтда тўсқинликларга йўл қўйган 42 нафар мансабдор шахсларга нисбатан ҳам судларга даъво аризалари йўлланди. Мансабдор шахслардан 1 млн. 307 минг 942 сўмлик моддий ва маънавий зарар ундирилди. 35 нафар мансабдор шахслар расмий равишда огоҳлантирилди.

**Алишер БОБОҚУЛОВ,**
**Навоий вилоят адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи,**
**Ёркул УМАРОВ,**
**журналист**

# КИМ ЁЛҒОНЧИ?

## *Ёки алдайман деб алданганлар хусусида*

Судланувчи Ёқубжон Эргашев, Абдували Умрзоқов, Низомжон Қосимовлар ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаландилар. Бироқ вилоят судига ёзилган шикоят хатидан ҳеч бир фойдали натижа чиқмади. Туман судининг ҳукми ўз кучида қолди.

Аксарият ҳолларда судланувчилар қисман бўлса-да, айбларини тан олишади. Судда ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, ҳатто кечирим ҳам сўрашиди. Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани судининг раиси Юнусжон Раҳимов раислигида ўтган суд мажлисида эса судланувчилар ўз айбларини тан олишни исташмади. Ишни қонуний ҳал қилишни сўрашди.

Хусусан, судланувчи Ёқубжон Эргашевга Жиноят Кодексининг 186-1-моддасининг 2-қисми, "а", "б" бандлари ва 205-моддасининг 2-қисми "а", "в" бандларида кўрсатилган айблар қўйилган эди. Яна бир судланувчи Абдували Умрзоқов эса Жиноят Кодексининг 186-1-моддасининг 2-қисми, "а", "б" бандлари ва 189-моддасининг 3-қисми, учинчи судланувчи Низомжон Қосимовга эса Жиноят Кодексининг 186-1-моддасининг 2-қисми "а", "б" бандлари айбланган эди.

Хўш, уларнинг даъволарида асос бор эдими?

Сирасини айтганда, калаванинг бир учи Чуст шаҳридаги Ёқубжон Эргашев раҳбарлик қилаётган "Чуст-Қўқон-шакар" темир йўл корхонасига бориб тақалади. "Иш" узоқ вақт у суддан бу судга кўчиб юрди. Ниҳоят, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судида кўриладиган бўлди.

— Судланувчи Ёқубжон Эргашев, — дейди жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг раиси Юнусжон Раҳимов, — "Чуст-Қўқон-шакар" темир йўл корхонасида бошлиқ вазифасида ишлаб, ўз мансабини суиистеъмол қилган. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 10154-сонли **"Халқ хўжалигида ўзаро ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириш учун раҳбар ходимларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармон талабларини бажармаган. Корхонада тайёрланган қандлавлагидан олинган 3840271 сўмлик сиропларни 15 фоизлик олдиндан тўловини амалга оширмай туриб, 13 апрел 1999 йилдаги шартнома асосида 1999 йилнинг март, май ойларида Фарғона фуран бирикмалари кимё заводига бериб юборади. Ўз навбатида кимё заводидан гарчи корхона эҳтиёжи учун зарур бўлмаса-да, 300 дкл этил спиртини олиб келади. Сўнг 300 дкл (1260000 сўмлик) этил спиртини Янгиқўрғон туманидаги "Беш ўғлон" хусусий фирмаси бошлиғи А.Умрзоқовга 777,8 литр (350000 сўм) ва Уйчи тумани "Шерзод" хусусий фирмаси бошлиғи Н.Қосимовга 1000 литр (450000 сўм) ҳамда Ангрен шаҳридаги "Киур", "Сардорбек" хусусий фирмаларига 1350000 сўмга сотиб юборади. Бу хатти-ҳаракати билан у ноқонуний равишда катта миқдордаги этил спиртни муомалага киритади.

— Этил спиртини олиш ва уни сотиш ноқонуний эканлигини билмас эканман, — дейди суд мажлисида Ё.Эргашев.

Аслида ҳам шундайми?

Йўқ. Ё.Эргашев мўмай фойдани кўзлаб шундай нопок ишга қўл урган.

— Биз савдо-сотиқ билан шуғулланамиз, — дейди "Беш ўғлон" кўп тармоқли хусусий фирма бошлиғи А.Умрзоқов. — Тошкент шаҳридаги "Данвер" фирмаси билан ҳамкорликда бир неча бор савдо-сотиқ ишларини амалга оширганмиз. "Чуст-Қўқон-шакар" темир йўл корхонасидан сертификатсиз 777,8 литр техник этил спиртини олганим рост. Спиртни "Данвер" фирмасига сотиб юбордик.

"Шерзод" кўп тармоқли хусусий фирмаси бошлиғи Н.Қосимов ҳам 1000 литр этил спиртни Тошкент шаҳрида жойлашган "Данвер" хусусий фимасида ишловчи М.Қодиров орқали сотиб юборганини айтади.

Такрор бўлса-да, яна айтишга тўғри келади: судланувчилар ўз айбларини тан олгиси келмади. Чунки улар ўзларини "тадбиркор" санар эди-да!

Лекин суд мажлисида иштирок этган гувоҳлар ишга тўла ойдинлик киритишди. Гувоҳ У.Обидов ва Чуст туман Давлат солиқ инспекцияси ходими О.Бобоевларнинг кўрсатмалари ҳамда Наманган вилоят Давлат солиқ инспекцияси ходими Х.Бозоровнинг келтирган далиллари айбдорларнинг шаштини бирмунча пасайтириб қўйди.

Суд ҳайъати ҳар бир участка иши юзасидан ўз ҳукмини эълон қилди, яъни судланувчиларнинг истаклари бўйича жиноят ишини қонуний ҳал қилди. Бироқ улар суд ҳукмидан норози бўлдилар.

Нега?

Маълумки, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Республикамиз миқёсида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Жойларда аҳоли орасидан етишиб чиқаётган тадбиркорларнинг сафи кун сайин ортиб бораётгани ҳам ҳар биримизни қувонтиради. Улар мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Буларнинг бари яхши, албатта.

Бироқ шуни ҳам айтиш кераkки, айрим "тадбиркор"лар нафс қутқусига учиб, халқ манфаати, унинг бебаҳо соғлигидан устун қўйишгача бориб етаётганини нима билан изоҳлаш мумкин?!

Маълумки, этил спирти истеъмоли учун мутлақо яроқсиз ҳисобланади. Наҳотки, юқорида номлари қайд этилган "тадбиркор"лар буни билишмаса? Бунинг устига қишлоқ-шаҳар, маҳалла-куй ва катта-кичик бозорларда ярим яширин сотилаётган қўлбола ароқ ёки винолар ўз-ўзидан ердан бодроқдек отилиб чиқаяпти, деб ўйлайсизми?!

Бундай нопок ишнинг сабаби ана шундай истеъмолга яроқсиз этил спиртини ўйламай-нетмай сотиш билан изоҳланмайдими?

Қаранг, бир гуруҳ нафсига эрк берган кимсаларнинг касрида жамият нечоғлик зарар кўради.

Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони ҳам йўқ эмас. Хусусан, бу сиз билан бизнинг теварак-атрофимизда рўй бераётган айрим воқеа-ҳодисаларга лоқайд муносабатимиздир.

Баъзан шундай кўз ўнгимизда қўшнимиз ёки бирон-бир қариндошимиз "тирикчилик" баҳонасида "тадбиркорлик"ни бошлаб юборади. Истеъмол учун яроқсиз бўлган спиртли ичимлик ёки йодланмаган тузни бемалол сотади. Биз унга ақалли бу ишинг нотўғри деб айтишга истиҳола қиламиз. Ўзимизнинг лоқайдлигимиз билан нафақат ўз соғлигимизга, балки фарзандларимиз соғлиги ҳам зиён-заҳмат етказганимизни билмаймиз.

Шунинг учун ҳаётда ондасонда учраб турадиган бундай иллатларга муросасиз бўлиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**журналист**

# "БУТУН КУЧНИ ХАЛҚ ИЧИДАН ОЛАЙЛИК!.."

Айни вақтда жанубий қўшнимиз бўлган Афғонистондаги нотинч, мураккаб вазият нафақат ички ишлар ходимларини, балки ҳар бир юртдошимиздан ҳушёрлик ва сергакликни талаб қилади. Юртбошимиз Ислом Каримов неча бор таъкидлаганларидек, тинчлик, осойишталик ўз-ўзидан бўлмайди, балки бунинг учун оромдан, ҳаловатдан кечиб доимо бедор бўлиш даркордир.

Сурхон воҳаси жанубий — шарқий томондан 159 километр масофада Афғонистон билан чегарадош. Термиз шаҳри билан Ҳайратонни азим дарё Жайҳун ажратиб туради.

Вилоятимизга бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан қўшни Афғонистонда кечаётган воқеаларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида журналистлар ҳам келишган. Уларнинг ўн-ўн беш нафари билан мулоқот қилдик ҳам. Айтиш жоизки, хорижий журналистларнинг ҳаммаси ҳам Ўзбекистон — Афғонистон чегарасидаги барқарор вазиятни холис ёритаётганлари йўқ. Ушбу салбий ҳолат Президентимиз қабул қилган баёнотда ҳам ўз аксини топган. Биз ушбу баёнотни тўла-тўкис қўллаган ҳолда ўнлаб журналистларни чегара ҳудудларига олиб бориб, ҳатто ўша ерда яшаётган одамлар билан учраштириб, суҳбатлаштирдик. Токи дунё матбуоти ёлғон, сохта хабарлар бозорига айланмасин ва бизга ҳасадли кўзларини тикаётганларнинг тегирмонига сув қуйишмасин. Шу билан бир қаторда, Термиз шаҳри ва вилоятимизнинг бошқа туманларида паспорт — виза қоидаларига риоя қилишнинг аҳволини ўрганиш тадбирлари олиб борилмоқда. Вилоят марказида ишлар фаол олиб борилмоқда. Профилактика инспекторлари, "Маҳалла посбонлари", уларнинг сардорлари ва вилоят ИИБ ходимлари жалб этилган. 10 нафар автопатрул ва бир неча ўн нафар пост — патрул хизмати ходимлари тунги хизмат олиб боришаётир.

Тадбир давомида профилактика инспекторлари "Маҳалла посбонлари" сардорлари ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигида Термиз шаҳри ҳамда бошқа туманлар марказларида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятимиз бўйича кенг қамровли "Антитеррор" махсус тадбири ўтказилиб, унда жорий йилнинг 10 октябридан шу кунга қадар кўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 45 турли ҳуқуқбузарликлар аниқланди; паспорт — виза режими бўйича 66683 нафар шахслар текширувдан ўтказилиб, улардан 561 нафар қоидабузарларга маъмурий тартибда жазо чоралари кўрилди, 145 нафар қонунбузар тартибга мувофиқ республика ҳудудидан чиқариб юборилди; Термиз шаҳридаги текширув тадбирлари давомида 215 нафар маҳаллий фуқаролар ва 10 нафар МДҲ давлатларининг фуқаролари рўйхатдан ўтмасдан яшаб келаётганликлари маълум бўлди; тадбир жараёнида Термиз шаҳрида яшовчи фуқаро М.Драгуновнинг уйидан 321 гр. "героин" гиёҳванд моддаси, 1 дона РГД — 5 жанговар граната, унинг КД — 8 детанатори ва 16 калибрли 2 дона ов қуроли борлиги аниқланиб, олиб қўйилди.

Вилоятимизда жами 651 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 651 нафар "Маҳалла посбонлари" сардорлари ва 5025 нафар посбонлари жиноятчиликнинг олдини олиш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Бир пайтнинг ўзида вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, божхона хизмати бошқармалари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамжиҳатликда аҳоли ўртасида кенг қамровли маърифий тарғибот ишларини олиб бораяпмиз. Шунга аминмизки, нафақат минтақамиздан, балки бутун дунёдан терроризм балоси батамом супуриб ташланади. Бунинг учун аввало, юртдошларимиз кўнглидан, онгу шууридан лоқайдликни, "менга нима" деган кайфиятни супуриб ташлашлари лозим. Улуғ шоирмиз бекорга "халқ тўлқиндир, халқ кучдир" демаганки, бугун биз бутун кучни халқ ичидан олайлик. Шундагина кўнгилларини ҳушёрлик ҳеч қачон тарк этмайди.

**Баҳром АЛИМОВ,**
**Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги**

# ИЖАРА ШАРТНОМАСИ

Ижтимоий ҳаётимизда ижара, ижара шартномаси деган иборалар кенг қўлланилмоқда. **"Ижара тўғрисида"**ги Қонунда таъкидланишича, ижара шартнома асосида ерга, бошқа табиий ресурсларга, шунингдек, хўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш учун ижарачига зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиш ва ундан фойдаланишдан иборат.

Мулк ижараси шартномаси фуқаролик ҳуқуқи учун анъанавий бўлган шартномалар жумласидан бўлиб, қонунда, Фуқаролик Кодексида, шунингдек, кодификацион ҳужжатларда муҳим ўрин тутади.

Мулк ижараси шартномаси баъзан ҳуқуқий нормаларда ижара (аренда) шартномаси деб ҳам аталади.

Ижара (лот — ment leas, рус — аренда) мустақил хўжалик юритиш ёки бошқа бирон бир фаолиятни амалга ошириш мақсадида ер участкалари, ерости бойликлари жойлашган участкалар, алоҳида табиий объектлар, корхоналар, бошқа мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ишлатилиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган, истеъмол қилинмайдиган бошқа ашёларнинг мулк сифатида бировга берилиши ёхуд бошқаларининг объекти сифатида мулкка эгалик қилиши ундан вақтинча фойдаланган учун тўланадиган муайян ҳақ ҳисобланади. Ижара мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини ўзгартирмайди. Мамлакатимизнинг **"Ижара тўғрисида"**ги Қонуни ва Фуқаролик кодексига мувофиқ бу муносабатлар тарафларнинг ихтиёрийлиги ва тўла тенг ҳуқуқлиги асосида маълум муддатга тузиладиган ижара шартномаси ижара муносабатларининг юзага келишига асос бўлади.

Ижара шартномаси танлов асосида тузилиши мумкин. Ижара шартномасида: ижара шартномаси ижарага олинаётган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати, уни ижарага бериш тартиби, ижара муддати, ижара ҳақи шартлари ва миқдори, уни тўлаш муддатлари; ижарага берувчи ижарага бериши керак бўлган мол-мулкнинг ҳолати; ижарачининг мол-мулкдан фойдаланиш шартлари; ижарага берилган мулкни таъмирлаш ва тўла тиклаш бўйича томонларнинг мажбурияти; мулк шартномасида келишилган ҳолда ижарачига етказиш, ижарага олувчининг мулкдан фойдаланиш шартлари; ижарага олинган мол-мулкнинг амортизация харажатлари тўлиқ қопланганидан кейин сотиб олинадиган бўлса, уни сотиб олиш муддати ва тартиби; мол-мулкни ижарага олинган иккиламчи ижарага бериш шартлари ва тартиби; тарафларнинг жавобгарлиги каби ҳуқуқий ҳолатлар кўзда тутилади.

Булардан ташқари, мулк ижараси шартномасига баъзи қўшимча шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Ижара шартномаси ўзида иқтисодий муносабатларнинг кенг доирасини — йирик ишлаб чиқариш мажмуалари ижарасидан тортиб, уй-рўзғор буюмлари ижарасигача қамраб олади. Фуқаролик кодекси 34-бобнинг умумий қоидалари ижара шартномаси объектнинг туридан қатъий назар, барчасига бирдай тааллуклидир.

**"Ижара тўғрисида"**ги Қонунининг 18-моддасига биноан ижарачи ижарага олинган мулкни ижарага берувчининг розилиги билан тўла ёки қисман сотиб олиши мумкин (ер ва бошқа табиий ресурслар ундан мустасно).

Агар ижара шартномасида мулкни кейинчалик сотиб олиш шарт қилиб тузилган бўлса, унда мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ўз кучини йўқотади, яъни мулк ижарага берувчидан уни олувчига ўтади, шартнома мазмуни ўзгаради.

Айрим турдаги транспорт воситаларини ижарага беришнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ушбу хусусиятлар уларни сақлаш, бошқариш, техник хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш ва бошқалар билан боғлиқдир. Жумладан, бу транспортлар қаторига биринчи галда сув ва ҳаво кемалари, шунингдек, автомобил транспорти киради. Масалан, транспорт воситалари ижараси шартномасининг тушунчаси ФКнинг 564-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси бўйича бир томон — ижарага берувчи транспорт воситасини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига иккинчи томонга — ижарага олувчига беради ва ўз кучи билан уни бошқаради ҳамда хизмат кўрсатади.

Транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномасининг мазмунидан шу нарсани англаш мумкинки, бу шартномада икки турдаги мажбурият бирлаштирилган:

а) бевосита тавсия этилаётган транспорт ижарасида — вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳақ эвазига дейилса;

б) ижарага берувчи ўз кучи билан уни бошқаради ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади.

Транспорт воситаси ижарасининг яна бир тури мавжуд бўлиб, бу ҳаво транспорти ижарасидир. Бу муносабат (1993 йил 7 майда қабул қилинган) Ҳаво кодексининг 99-моддасига биноан чартер ҳаво кемасини кира қилиш, яъни халқаро атама билан айтганда, фрахта қилиш шартномаси асосида амалга оширилади.

Ҳаво кодексининг 43-моддасига мувофиқ, ҳаво кемаси шартнома асосида чет эллик фойдаланувчига ижарага (экипаж билан ёки экипажсиз) берилиши мумкин. Чет эл ҳаво кемаси ижарага олинган ҳолда ҳам худди шундай тартиб қўлланиши назарда тутилади.

Олий Мажлиснинг 1995 йил 6 майда қабул қилинган қарори билан республикамиз юкларни халқаро ҳаво йўлларида ташишга оид айрим қоидаларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги 1929 йил Варшава конвенцияси ва Баёнига, шунингдек, Олий Мажлиснинг 1996 йил 30 августда қабул қилинган қонунга асосан юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги Конвенция (ЮТК) баёнига қўшилди. Бундан ташқари, автомобил транспортини ижарага бериш ФКнинг 264, 572-моддаларида назарда тутилган умумий қоидалардан ташқари, **"Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти тўғрисида"**ги Қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**Сотиболди БОБОҚУЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**

# ҚОНУН ЭЪЗОЗЛАГАННИ — ЭЪЗОЗЛАЙДИ, ХОР ЭТГАНДАН ЭСА ЎЧ ОЛАДИ





Халқимизда ўзингга эҳтиёт бўл-қўшнингни ўғри тутма, деган ибратли нақл бор. Божхоначилар ана шу ҳикматли нақлга қатъий амал қилишади. Наинки ушбу нақл, балки унинг асосида бутун маъно-мазмунини ўзида акс эттирган қонунлар, фармонлар, қарорларга биноан фаолият кўрсатишади. Мақсад — мустақиллигимизнинг муҳим шартларидан бири саналган моддий, ижтимоий ва маънавий бойликларимизни ёмон кўзлардан асраш, ҳаром-ҳариш ва ҳар хил ёт ғояларнинг мусаффо заминимизни булғашига йўл қўймасликдан иборат.

Урганч — мамлакатимизнинг энг чекка сарҳадида жойлашган шаҳарларидан бири. Узоқ шимолга йўл олган поезд ва автоуловларнинг аксарияти ана шу шаҳар орқали ўтади. Аниқроғи, у юртимиздан чиқиб кетувчилар учун охирги, кириб келувчилар учун эса дастлабки йирик бекат. Бунинг божхона хизмати учун нечоғли аҳамият касб этишини шундан ҳам билса бўлади.

Эл мулки, ризқ-насибасини қўриқлаш — хайру савоб ишлардан саналади. Бинобарин, юртимиз бойликларини кўз қорачиғидай асраш чоралари ва йўл-йўриқлари мамлакатимизнинг **"Божхона Кодекси"**да аниқ-равшан белгилаб берилган. Мамлакатнинг энг яхши божхона маскани мақоми Кодекс талабларига бекаму кўст риоя этилиши туфайли қўлга киритилди. Чунончи, биргина жорий йилнинг ўтган 10 ойида халқимиз ва давлатимиз манфаатларига хилоф саналган божхона қоидалари бузилиши ҳоллари 127 марта қайд қилинди. Унинг 39 таси жиноий, 88 таси маъмурий қоидабузарлик бўлиб чиқди ва жами 11,3 миллион сўмликдан зиёд товар ва моддий бойликлар ушлаб қолинди. Халқимизнинг ҳалол оши хомталаш этилишига ана шу тариқа чек қўйилди. Бундай саъй-ҳаракатлар баробарида ёмон ниятли кимсалар қўлидан тортиб олинган жами 17,5 миллион сўмликка яқин бойлик пировардида халқимизга сотилди. Божхона тушумлари эса 84,4 миллион сўмдан ортди. Бу режага нисбатан 104,2 фоизни ташкил қилади. Айни пайтда гиёҳвандлик воситалари контрабандасига оид 3 та қонунбузарлик ҳолати қайд этилди. Унинг ҳаммасини ўргатилган хизмат итининг ўзи фош этди. Бу — тилсиз, забонсиз бир жониворнинг инсонларга холис хизмати.

Қонун эъзозлаганни эъзозлайди, хор этгандан эса ўчини олади. Унинг адолат, ҳақиқат, меҳрмурувват билан йўғрилган беҳисоб куч-қудрати инсон қўлида. Урганчлик божхоначилар шум ниятларнинг пайини қирқиш соҳасидаги ютуқларни қонун талабларини бекаму кўст бажо келтириш эвазига қўлга киритаяпти. Қонуннинг барча учун баробарлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар эса эътироз ва шикоятларга деярли ўрин қолдирмаяпти.

— Вақт топилса, бозорларни кўпроқ кузатаман, — дейди божхона маскани бошлиғи, шу соҳа хизмати майори Отахон Эшжонов, — у бизга эътиборталаб ишлардан сабоқ беради. Сифатсиз дори-дармонлар савдоси анча авж олганини ана шу тариқа билиб олдик. Натижада фуқаро Ҳавожон Самандарова махсус рухсатнома билан сотилиши белгиланган 125 минг 570 сўмлик, туркманистонлик Чориберди Ўрозгелдиев 18 дона, Ўғилнозик Омонмуродова 343 минг 740 сўмлик, Жамол Йўлдошева 310 минг 600 сўмлик, хоразмлик Г.Худойназарова 20 дона дори-дармонни божхоначиларга "тухфа" этишдан ўзга илож топишолмади.

— Саломатликнинг яна бир кушандаси бўлган тамаки ҳамда спиртли ичимликларнинг мамлакатимизга хуфя ва ноқонуний йўллар билан кириб келиши ҳам озмунча ташвиш уйғотаётгани йўқ, — дейди Отахон Эшчонов. — Аёл боши билан 500 қути "PINE" ва яна шунча "Родопи" сигареталарини машҳур "Ҳазорасп" бозорида акциз тўловларисиз сотиб, бойимоқни ният қилган Меҳрибон Машарипова божхоначиларнинг зийрак кўзига чап бериб кетолмаган ўнлаб омадсиз "тижоратчи"ларнинг бири холос.

Божхона бошлиғи билан суҳбат чоғида жамоаси ютуқларини Хоразмдаги бошқа масканлар ходимларининг кўмагисиз тасаввур этолмаслигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, шундай. Ҳайдовчи Алишер Бозорбоев томонидан республикамизга келтирилаётган 8 миллион 536 минг сўмлик ноқонуний юкни тўхтатиб қолган 3-сонли "Ғозовот", Рўзибой Ҳусаиновга тегишли 3 минг 990 қути ёрлиқсиз сигаретанинг бозорларимиз сари хуфя йўлига тўсиқ солган 1-сонли "Шовот", қўшкўпирлик Жумагул Оллаберганованинг қўлидаги ширинлик қутисига аслида 673 грамм оғирликдаги ажал элчиси — героин гиёҳвандлик моддаси жойлаганлигини зийраклик билан пайқаган 10-сонли "Туямўйин" божхона маскани хизматчилари, жами 3 миллион 746 минг сўмлик атир-совун ва шампунларни бож тўламасдан ички йўллар орқали Шовот тумани ҳудудидан олиб ўтишга бел боғлаган питнаклик Зулфия Аҳмедованинг нопок ниятини ўз вақтида сезган бошқарма бир гуруҳ тезкор ходимларининг фаолияти ҳақиқатда мақтовга лойиқ.

Ватанимиз бойликларини кўз қорачиғидай асрашдек муқаддас вазифа — ҳалол, пок, фидойи, мард ва матонатли кишилар зиммасидаги юмуш. Ўтган 10 ойлик якунлари ватанимиз иқтисодий сарҳадлари ишончли тарзда асралаётганидан далолат беради. Божхона тўловларига доир тушумлар режаланганидан анча кўпайиб, 1 миллиард 56 миллион сўмдан ортгани, жами 28 та ҳолатда гиёҳвандлик воситалари қўлга туширилгани, 248 та контрабанда жинояти аниқлангани, вилоятимизга ноқонуний йўллар билан олиб кирилаётган 1800 литр спирт маҳсулотлари, худди шундай хатти-ҳаракатлар билан олиб чиқиб кетилаётган 1 миллион 396 минг сўмлик олтин буюмлари, тангалар ушлаб қолингани, келтирилаётган мол ва маҳсулотларнинг сифати бўйича 234 та экспертиза текшируви ўтказилгани, бунинг натижасида 4 миллион 550 минг сўмлик сифатсиз истеъмол моллари олиб қўйилгани, расмийлаштирилган 1886 та божхона-юк декларацияларининг қонунийлиги ўрганиб чиқилгани ва таҳлил этилгани бунинг далилидир. Юртимизни турли хил хасталиклар эпидимологик ҳолатлар, авваламбор "Сибир яраси" аталмиш офатдан дахлсиз асрашда ҳам божхоначиларнинг салмоқли улуши бор.

Бу каби ишлар ва натижалар, шубҳасиз, қизғин фаолиятдан нишона. Аммо ҳаётнинг йўриғи бўлакча, талаби қатъий. Мустақил юртимиз ва унинг ажойиб гўшаси — Хоразм воҳаси жаҳон аҳлига қадамжо саналгувчи чорраҳа-масканда жойлашган. Бу диёрга яхши ният-ла қадам ранжида қилувчиларни тавозе билан кутиб олиш ва кузатиб қўйиш, шум ният-ла кириб келганлар юзидаги ниқобни олиб ташлаш, кирдикорларини фош этиш вазифаси божхоначилар зиммасида. Яхшининг яхшилигию ёмоннинг ёмонлигини пайқаш улар учун бурч ёки фазилатгина эмас, балки касби тақозо этган масъулиятли мажбурияти ва вазифаси ҳамдир. Халқимиз ўз қўриқчиларига астойдил ишонган ҳолда яшаб меҳнат қилади. Бундай ишончга сазовор бўлишнинг ўзи катта бахт. Эл-юрт ишончига холислик, садоқат ва фидойилик туфайлигина сазовор бўлинади. Омма ўз инон-ихтиёрини ҳамма-ҳаммагаям билдиравермайди. Бундай ишончни поймол этишдан кўра оғир гуноҳ йўқ. Элимиз, юртимиз, давлатимиз олдидаги бурч ва вазифаларга камарбасталик эса ҳамма — ҳамма, шу жумладан, божхоначиларнинг ҳам ҳаёт-мамот, ишидир. Уйимиздаги тинчлик, осойишталик, барқарорлик авваламбор сарҳадларимиздан бошланади. Ана шу маъсулиятни дилдан ҳис этганларгина бурчи ва вазифасини ўтаб, ватанга хизмат қилишдек олий қарзини адо этади.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*Ҳуқуқий маърифат*

# ЖАБРЛАНУВЧИ КИМ?

Жиноят ёки фуқаролик ишларида жабрланувчи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ҳам процесс иштирокчилари қаторига киради.

Шу ўринда бир савол туғилади: хўш, жабрланувчи ким? Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Аввало, шуни айтиш керакки, мамлакатимиз Жиноят-процессуал Кодексининг 54,55-моддалари бевосита жабрланувчи, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган. Жиноят, шунингдек, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар етарли бўлган тақдирда бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади (ЖПК 54-м). Лекин жиноят бевосита айбланувчининг ҳаракати натижасида содир этилмаган бўлса, жабрланган шахс жабрланувчи деб эътироф этилмайди.

Шу билан бирга, Конституциямизнинг 44-моддасида **“Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади,”** дейилган.

Демак, жабрланувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликлари Конституциямиз билан кафолатланади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мулкий зарар етказилган юридик шахс ишда жабрланувчи эмас, балки фуқаровий даъвогар сифатида иштирок этади.

Албатта, бирон-бир шахсни жабрланувчи деб топиш учун аввало, процессуал жиҳатдан қарор ёки ажрим билан расмийлаштирилган бўлиши керак.

Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, зарар етказилган шахс жабрланувчи деб топилмайди.

> Тергов олиб борилаётган жойда ёки судда бўлган гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатув беришга хоҳиш билдирса, улар қоида тариқасида ўша куннинг ўзида ёки кейинги кундан кечиктирмай сўроқ қилиниши керак.
>
> Гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришга хоҳиши тўғрисидаги хабар терговчи ёки судга почта орқали келса, унга сўроқ ўтказиладиган жой ва вақт дарҳол хабар қилинади ва у келиши биланоқ сўроқ ўтказилади.
>
> **Жиноят-процессуал кодекси, 120-модда**

Яъни маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказишга ўз ихтиёри билан розилик бериш натижасида жабрланувчи ўз хатти-ҳаракати (масалан, зарурий ҳимоя меъёрини ошириб юборганда) оқибатида зарар етказилган бўлса, ёки жабрланувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракати бевосита жиноятга боғлиқ бўлганда (масалан, пора бериш ҳақида ўз вақтида арз қилмаган бўлса), жиноятдан зарар кўрган шахс жабрланувчи деб эътироф этилиши мумкин эмас. Пора берувчига нисбатан товламачилик йўли билан хатти-ҳаракат қилинган бўлиб, пора тариқасида берилган пул ёки бошқа бойликлар эгасига қайтарилади.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакил иштирок этади.

Шу билан бирга жабрланувчи бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга. Бу ҳақида Жиноят процессуал кодексининг 55-моддасида кўрсатиб ўтилган. Ушбу моддага **“Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги Қонунга мувофиқ кўплаб ўзгартиришлар киритилди.

Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, жабрланувчи қуйидаги *ҳуқуқларга эгадир; кўрсатма бериш (сўроқ вақтида), далиллар тақдим қилиш, илтимоснома бериш ва рад этиш, ўз она тили ва таржимон хизматидан фойдаланиш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш, суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш, дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанция судининг мажлисларида иштирок этиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш, шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбланувчини қувватлаш, суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш, иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириши мумкин.*

Бундан ташқари жабрланувчи зиммасига қуйидаги мажбуриятлар ҳам юклатилади: *у суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, ҳақиқий кўрсатма бериши, ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берадиган далилларни йўқ қилишга уринмаслиги, сохталаштириш, гувоҳларни атай чалғитмаслиги ва қонунга хилоф бўлган бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг талаби бўйича далиллар тақдим қилиши; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.*

Агар жабрланувчи судга узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда, жиноят-процессуал Кодексининг 261-моддасига кўра чақирувга биноан ҳозир бўлиш мажбурияти ва 264-моддада белгиланган мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажримни бажариш лозим бўлган тартибда мажбурий тарзда олиб келинади.

Жабрланувчи кўрсатма беришдан бош тортганлик ва билатуриб ёлғон кўрсатма берганлик учун Жиноят Кодексининг 238-моддасида қайд этилганидек, ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Яна шуни айтиш керакки, жабрланувчининг ўлимига олиб келган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича 55-моддада кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан марҳумнинг қонуний вакилли деб эътироф этилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга оширади.

Агар жабрланувчининг яқин қариндошлари бир нечта бўлса, улардан бири жабрланувчи ҳуқуқидан фойдаланишини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья ҳал этади.

Бундан ташқари жабрланувчи фуқаровий даъво тақдим этиш ҳуқуқига ҳам эга эканлигини айтиб ўтиш жоиздир. Бундай ҳолда у фуқаровий ҳуқуқдан Жиноят-процессуал Кодексининг 57-моддасига мувофиқ фойдаланади.

Жабрланувчи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши Жиноят-процессуал Кодексининг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Бу борада ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки тергов, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонасига киришдан олдин тақдим этилиши керак.

Ушбу аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек, ярашилганлик муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос қайд этилган бўлиши шарт.

Баъзан шундай бўладики, маълум бир иш бўйича бир неча нафар шахс жабрланувчи саналади. Албатта, бундай ҳолда барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирдагина ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Бу ҳақидаги ариза бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчи, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Умуман айтганда, ярашув тўғрисидаги ишлар тартиби Жиноят-процессуал Кодексининг 62-бобида батафсил кўрсатиб ўтилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жиноят процесси иштирокчилари қаторида жабрланувчилар ҳам қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқ ва мажбуриятларидан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

**Саломат НИЁЗОВА, ҳуқуқшунос**



*Самарқанд: Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи.*

**Абдулғани ЖУМАЕВ олган суратлар**

*Муносабат*

# АДВОКАТ ФАҚАТ СУДДА КЕРАКМИ?

Газетанинг 14 ноябр сонида “Адвокат ким?” сарлавҳаси остида эълон қилинган бир гуруҳ ҳуқуқшуносларнинг фикр-мулоҳазаларини ўқиб, бу борада ўзим ҳам муносабат билдиришни лозим топдим.

Шўро давридан қолган битта кўникма бор: биз адвокатни фақат судда керак деб ўйлаймиз ва кўпинча адвокат фақат суд процессида ёлланади. Шунинг учун ишни фуқароларнинг ҳуқуқий саводини оширишдан бошлаш керак, деб ўйлайман. Чунки саводли фуқаро битта адвокатдир.

Шўро даври тоталитар тузум бўлганлиги учун инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи, унинг ҳуқуқий саводи ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас эди. Фуқаро, шахс манфаати ҳақида эса ҳатто тушунчага ҳам эга эмас эдик. Унда давлат якка ҳукмрон, унинг манфаати ҳамма нарсадан устун ҳисобланарди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, халқимиз ҳуқуқий демократик, яъни фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлади. Бугун ҳаётимизда фуқаро манфаати ҳар нарсадан устун ҳисобланади. Қонунчилигимиз ҳам демократик тамойиллар асосида бутунлай қайта кўриб чиқилди. Суд тизими, ҳуқуқ-тартибот органларида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Прокуратура ва адвокатура фаолиятига оид янги қонунлар қабул қилинди ва адвокатларга бир қатор имтиёзлар яратилдики, буларнинг бари ҳуқуқий демократик жамиятни қуриш, халқнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Юқорида шўро даврида фуқароларнинг ҳуқуқий саводи йўқ эди, дедик. Ростдан ҳам, шундай эди. Оддий бир мисол: тўғри келган мелиса ходими хоҳлаган одамнинг уйига дўқ-пўписа қилиб кириб бориши, пахта даласига уларни мажбурлаб қувиб чиқариши мумкин эди. Раис ёки райкомбова халқнинг тўйини қачон бўлиши ёки бўлмаслигини белгилаб берарди. Ҳатто бригадир ёки табелчи ишчи-хизматчиларини бемалол сўкиб ҳақоратласа-да, ҳеч ким бир оғиз чурқ этмаган.

Бугун агар ҳатто ҳокимбобо шартномадаги бирор мажбуриятни бузса, уни дарров судга бериб, пудратчи ёки фермер судни ўз фойдасига ҳал қилаяпти.

Бугун гап адвокат ҳақида борар экан, яна шуни айтиш керакки, шўро замонида адвокат фақат судда ёлланади, деган ақида мавжуд эди. Суд жараёнида ёлланган адвокатнинг дастлабки терговдаги юзлаштиришларда, судлашувчининг дастлабки кўрсатма бериш жараёнида иштирок этмаслиги туфайли унинг деярли кўмаги тегмасди.

Шу боис ҳам шўро замонида адвокат эътибор топмаган эди. Адвокат гўё расмиятчилик учун керак эди, холос.

Бугун ҳам ҳаётда ана шу иллат онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Агар хориж тажрибасига назар ташласак, айбланувчи ёки гумондор адвокат иштирокисиз бир оғиз ҳам кўрсатма бермайди. Бизнинг жиноят-процессуал Кодексимиз бўйича ҳам адвокат иштирокисиз айбланувчи кўрсатма бермаслик ҳуқуқига эга. Буни айрим фуқаролар билмаслиги оқибатида терговда айбланувчининг кўрсатмалари, юзлаштиришлар адвокат иштирокисиз амалга оширилади. Адвокат иштирокисиз тергов ҳаракатларининг қонуний олиб борилганига ҳамиша шубҳа туғилиши эҳтимолдан холи эмас. Шу билан бирга адвокат иштирокисиз ўтган дастлабки тергов кўп ҳолларда айблов томонга хизмат қилиши ҳам бор гап.

Шўро замонидан қолган яна бир камчилик шунда кўринадики, баъзи фуқаролар адвокатни эркин танлаш ҳуқуқига эга эканликларини билишмайди. Кўпинча терговчи топиб берган адвокатни ёллаб қўя қолишади.

Мен ҳуқуқий саводга эга фуқарони битта адвокат деган бўлардим. Қонунбузилиши ҳолатлари ёки жиноят-процессуал қоидалар бузилиши бўладими, аввало, бунга фуқаронинг ҳуқуқий саводсизлиги сабаб бўлади. Қонунни яхши билган фуқаро биринчи навбатда қонунни бузмайди, унга ҳурмат билан қарайди. Сўнгра, агар терговда процессуал қоидалар бузилаётган бўлса, дарров унинг фаҳми етади. Судда бўлса ўзини-ўзи бемалол ҳимоя қилади, яъни ўзи адвокат бўлади.

Менинг назаримда, фуқаро учун ҳимоянинг энг маъқул усули қонунни яхши ўзлаштиришдир. Ҳуқуқий-демократик жамият қуришдан кўзланган мақсад ҳам шу эмасми, ахир!

**Муҳаммаджон САЪДУЛЛАЕВ, ҳуқуқшунос**



*Самарқанд: Хўжа Ахрори Вале қадамжоси*

# ТАЛАБА: КРЕДИТ ВА ГАРОВ

*Ислоҳот довонлари*

## ёхуд талабаларга берилган кредит гаров билан қандай таъминланади?



Ҳозирги пайтда мамлакатимизда таълим соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқлари Конституциямизда ўз ифодасини топган. Шунингдек, **“Таълим тўғриси”**даги Қонунда ҳам таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари кўрсатиб ўтилганки, бундан кўзланган мақсад эртанги кунимиз эгалари — ёшларга замонавий тарбия бериш, касб-ҳунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, олий ўқув юртларига талабаларни бир неча йилдан буён тўлов-контракт ва давлат бюджети ҳисобидан ўқитиш йўлга қўйилди. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, талабаларнинг кўпчилиги тўлов-контракт асосида таълим олмоқда. Уларнинг билим олиш ҳуқуқи бюджет ҳисобидан ўқийдиган талабалар ҳуқуқи билан тенг таъминланади. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 июндаги 318-сонли **“Олий ўқув юртларида тўлов-контракт усулида ўқиш учун таълим кредитларини беришни жорий қилиш тўғрисида”**ги Қарори халқимиз томонидан бу соҳага бўлган яна бир юксак эътибор сифатида қабул қилинди. Чунки ушбу тадбир талаба ва унинг оиласига моддий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини берди.

Энди таълим кредити нима, у қандай олинади, деган саволларга жавоб тариқасида шуни айтиш жоизки, таълим кредити деганда талабанинг шартнома асосида билим олиши учун банк томонидан вақтинчалик бериладиган қарз пули тушунилади. Таълим кредитлари тижорат банклари, кредит олувчи ва олий таълим муассасаси билан бўлган уч тарафлама шартнома асосида берилади. Бу эса мураккаб ҳуқуқий муносабатни вужудга келтиради. Табиийки, банк ҳар доим олинган кредитларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва фоизлар билан қайтариб олинишидан манфаатдор бўлади. Шунинг учун кредитор сифатида гаров, кафиллик, суғурта каби мажбуриятни таъминловчи воситаларидан фойдаланади. Тузиладиган кредит шартномасида эса банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ ва равшан акс этган бўлиши талаб этилади.

Гаровга қўйилган ашё қарз олувчи томонидан суғурталаниши лозим. Бу ҳолат оддий кўринса-да, ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ муносабатлар мажмуасини ташкил этади. Гаров билан таъминланганлик банк ва қарз олувчи ўртасида гаров шартномаси билан тасдиқланади. Гаров шартномаси 1998 йил 1 майда қабул қилинган **“Гаров тўғрисида”**ги Қонун билан тартибга солинади. Таълим кредити қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади. Асосий ҳуқуқий муносабат мана шу жараёндан бошланади. Таълим кредити берилганидан сўнг банк кредити таъминланиши бўйича мониторинг ўтказади. Мониторинг гаровга қўйилган уй-жой ёки кўчмас мулк, олий таълим муассасаси ва қарз олувчининг ҳуқуқий ҳамда моддий ҳолатига нисбатан олиб борилади. Яъни бу жараёнда асосий масъулият банк зиммасига тушади. Талаба, яъни қарз олувчи ёки учинчи шахс кредит миқдоридан кам бўлмаган қийматга эга бўлган ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёларни гаров сифатида қўйиши мумкин.

Мониторингдан кўзланган мақсад талаба ва ўқув массасаси ўртасида бўладиган барча муносабатдан хабардор бўлишдир. Бу муносабатлар нималардан иборат ва улар қандай ҳуқуқли аҳамиятга эга, деган саволга жавоб бериш учун аввало, гаров шартномасига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, гаров шартномаси асосий шартнома мажбуриятлари тугагандан сўнг ҳуқуқий жиҳатдан бир қанча хусусиятларини намоён қилади.

Гап шундаки, кредит шартномаси икки ҳолатда — талабанинг ўқув муддати тугамасдан талабалар сафидан чиқиши ёки олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг бекор қилинади. Биринчи ҳолатда ўқув муассасаси талабанинг талабалар сафидан чиқиши тўғрисидаги буйруқ чиқарилган кундан эътиборан 13 календар кундан сўнг банкка хабар бериши лозим.

Кредит шартномасида белгиланган муддатда кредит қайтариб берилмаса ёки тўлиқ қайтарилмаса, банк гаров шартномасига мувофиқ гаровга қўйилган мол-мулкни тасарруфига олиб, қарзнинг тўлиқ қийматини устамаси билан ундиришга ҳақлидир. Лекин шундай ҳолатлар ҳам юз бериш мумкинки, гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағ гаровга олувчининг талабини қондириш учун етарли бўлмай қолади. Бундай вазиятда банк қарзнинг қолган қисмини қарздорнинг бошқа мол-мулкидан ундириб олиши мумкин. Шунингдек, банкнинг қарз олувчидан гаров ашёсини суғурта қилишни талаб этишга ҳам ҳаққи бор. Бу ўринда агар олинган кредит миқдори кўп бўлмаса, гаров ўрнига суғурта шартномасидан фойдаланилади.

Талаба, яъни кредит олувчи кредит ва гаров шартномаси амалда бўлган давр мобайнида қандай ҳуқуқ ҳамда мажбуриятга эга, деган саволга эса қуйидагича жавоб бериш мумкин. Кредит талабанинг ихтиёрий ўқув йили учун олинади. Бунда олинган кредит суммаси унчалик ҳам кўп миқдорни ташкил этмайди. Шу боис ушбу ҳуқуқий муносабатлар талабага қийинчилик туғдирмайди. Лекин масалага илмий жиҳатдан ёндашсак, бу ўринда юз бериши мумкин бўлган бир нечта ҳуқуқий ҳодиса ва уларнинг оқибатларини таҳлил этиш лозим бўлади.

Эҳтимоли назарда тутилган ҳуқуқий ҳодисалар гаровга қўйилган нарса билан боғлиқдир. Одатда, гаровга қўйилган ашё, мол-мулк банкда, яъни гаровга олувчида сақланади ёки муҳрлаб қўйилади. Бу ҳолатда гаровга берувчи ўз эгалигидан олинган мол-мулкни сақлаш мажбуриятидан халос бўлади. Яъни банк мулкнинг йўқолиши ёки бузилиши ўзининг айби билан бўлмаганлигини исботламаса, ўзига топширилган мулкнинг сақланмаганлиги учун жавобгар бўлади.

Аксинча ҳолатда эса, автомобилдан ташқари гаровга қўйилган мулкни сақлаш мажбурияти гаров қўювчига юклатилади. Талаба ёки унинг оила аъзолари гаров шартномасида кўрсатиб ўтилгани бўйича ёки банкнинг рухсати билан ана шу мулкдан фойдаланиш ва даромад олишга ҳақли.

Шунингдек, гаровга қўйилган мол-мулк талаба ёки унинг оила аъзоларига зарур бўлиб қолса (бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин), гаров нарсасини бошқа ашё ёки мулкка алмаштириши мумкин. Лекин алмаштирилган мулкнинг қиймати кредит қийматидан кам бўлмаслиги лозим.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, гаров усулини имкони борича шартномаларга қўллаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бозор иқтисодиёти шартноманинг барча томонларини моддий ва маънавий жиҳатдан бир хил ҳуқуқий манфаатдор бўлишини тақозо этади.

**Комрон МИРЗО, талаба**

## *Оталар дейдики:*

***Адолатсизлик қилмайдиган одам адолатпарвар эмас, балки адолатсизлик қилиши мумкин бўла туриб, ундан ўзини тийган одамгина адолатпарвардир.***

* * *

***Баркамолликка эришган одам барча жонзотлардан юқори туради; аммо агар у қонунлар ва адолатга бўйсунмай яшаса, ҳаммасидан тубандир. Дарҳақиқат, адолатсизликни қурол қилиб олишдан кўра ҳам даҳшатлироқ нарса йўқ.***

* * *

***Бурчга содиқлик шахсий манфаатлардан воз кечишни талаб қилади.***

* * *

***Бурч ва номус йўлини ҳеч вақт тарк этманг, бу бизни бахтга эриштирадиган ягона йўлдир.***

# ЁЛЛАНИШ — ТЕРРОРИЗМ ТУЗОҒИ

*(Боши биринчи бетда)*

Бундан ташқари, Женева Халқаро Конвенциясининг Қўшимча Баённомасида таъкидланган “ёлланган шахс низолашаётган томонларнинг фуқароси бўлиши мумкин эмас”лигини назарда тутсак, ноқонуний равишда ўзини суверен мустақил давлат деб эълон қилиб, қуролли кучлар тузиб, алоҳида фуқаролик мақомини ўрнатган, аммо жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмаган мамлакат тарафида қуролли тўқнашувда ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиб, мазкур давлат фуқаролигига қабул қилиниб, қуролли кучлар сафида хизмат қилаётган ёлланувчи шахслар фаолиятига нисбатан ҳуқуқий баҳо беришда ҳам турли найранглар борлиги аёнлашади. Хусусан, айрим низолашаётган давлат ҳудудида қуролли тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашаётган ёлланувчилар гўёки бошқа хорижий давлатларга тегишли хусусий фирма, корхона, ташкилот хавфсизлик хизмати ходими ёки қўриқчиси сифатида расмийлаштирилиб, уларнинг ҳақиқий башарасини яшириш ҳоллари содир бўлмоқда. Мисол учун айтадиган бўлсак, Россияда чиқадиган “Аргументы и факты” газетасининг август ойидаги 34-сонида чоп этилган “XX аср кўпорувчиси” сарлавҳали мақолада 1960-1995 йилгача Африка қитъасида ёлланишни касб қилиб олган француз фуқароси Боб Динар ҳақида маълумот берилган. У ислом динини қабул қилиб, Мустафо исми билан бир неча мамлакатларда давлат тўнтаришини ташкил этишда фаол қатнашади. Жумладан, Комор оролларида Али Суалиҳ раҳбарлигидаги қонуний ҳукуматни ағдариб, ўзини мамлакат президенти деб эълон қилган ҳарбий фитна раҳбари Аҳмад Абдулло саройида хавфсизлик хизмати бошлиғи лавозимини эгаллайди. Қуролли тўқнашув ва ҳарбий ҳаракатларда бир неча маротаба ярадор бўлиб, икки марта қўлга тушиб, суд қилинган бўлса-да, доимо “сувдан қуруқ” чиқади. Афсусланарли томони шундаки, айни пайтда Парижда яшаётган 72 ёшли Боб Динар-Мустафо мухбир билан суҳбатда рағбат бўлса, ҳозир ҳам ёлланувчи сифатида топшириқни бажаришга тайёр эканини билдирган.

Бундан англашиладики, ёлланиш масаласида кўпгина ҳуқуқ меъёрларини ҳозирги шароитга мослаштириш лозим. Зеро, ёлланувчи қайси қиёфада бўлмасин, жамият учун ижтимоий хавфлилиги ўзгармай қолаверади. Шу ҳолатни эътиборга олиб, ёлланиш фаолиятини криминалистик ва криминоген нуқтаи назардан атрофлича ўрганиш, ҳар бир давлат ўз миллий қонунчилигида ёлланиш учун жиноий жавобгарлик масаласини халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос бўлишини таъминлаши, унинг турли кўринишларини ҳуқуқий баҳолаш ва ёлланиш тушунчасини таърифлашда барча мамлакатлар бир тўхтамга келиши ижтимоий-сиёсий заруратдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг дастлабки йиллардаёқ Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон халқаро ҳуқуққа доир ўнлаб шартнома, Конвенция ва бошқа битимларга аъзо бўлди. Умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларига ҳурмат, ижтимоий адолат ва ҳуқуқий давлат тамойилларига ҳамиша содиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 1 сентябрда қабул қилган Жиноят Кодексида дунёда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёвуз жиноятлардан бири ҳисобланмиш ёлланишнинг олдини олиш ва унга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида бу ҳаракатга жиноий жазо чоралари белгилади.

Дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг Жиноят Кодексида халқаро ҳуқуқ меъёрлари мазмунидан келиб чиқиб ёлланиш ва уни ташкил этишга қулай шароит яратиш каби хатти-ҳаракатлар жиноий қилмиш тариқасида таснифлаб, тегишли жазо чоралари белгиланган. Жумладан, Польша (144-модданинг 2-параграфи), Россия (359-модда), Украина (63-1-модда), Қозоғистон (62-2-модда) давлатларининг Жиноят Кодексида бу ҳол ўзининг аниқ ифодасини топган.

Айрим давлатлар халқаро ҳуқуқ меъёрлари концепцияси асосида миллий қонунчилигида фуқароларининг хорижий давлатлар ҳудудида қуролли тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашиб, давлат нейтралитетини бузганлиги учун жиноят жавобгарлик белгиланган (Япония ЖКнинг 94-банди, Финландия ЖКнинг 14-боб, 4-бандининг 3-қисми, Греция ФК 156-моддаси). Шу ўринда Испания Жиноят Кодексининг “Тинчлик ва давлат мустақиллигига қарши жиноятлар” деб номланган XXIII бўлим, 2-боб, 591-моддасини эслаш диққатга сазовордир. Унда шундай дейилган: “Испания ҳукуматининг нейтралитетини ёхуд мазкур урушда нейтролитет сақлаш ҳақида чиқарган расмий фармойишини бузиб, давлат обрўсига путур етказган тақдирда ҳокимият вакили ёки мансабдор шахс 8-15 йилгача, қолган фуқаролар 4-8 йилгача қамоқ жазосига тортилади”.

Ҳиндистон, Куба ва Италия давлатларининг Жиноят Кодексида дўстона хорижий мамлакатлар ҳудудларида ёлланиш душманлик ҳаракати деб баҳоланиб, мазкур давлатлар қонунчилигида ёлланувчи қуролли тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатда қатнашишга тайёргарлик кўриб, ташкилий фаолиятини бошлаган пайтданоқ жиноятчи сифатида таснифланади.

Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Финландия, Дания ва Куба каби давлатларнинг Жиноят Кодексида эса шу мамлакат фуқаролари хорижий мамлакатлар манфаати учун ҳарбий хизматга жалб қилингани учун жиноий жазо белгиланган.

Кейинги йилларда жаҳонда рўй бераётган воқеалар жараёни шуни кўрсатмоқдаки, халқаро ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган ёлланиш мезонларига номутаносиб равишда низолашаётган томонлар билан моддий ёки бошқа ҳуқуқий муносабатда бўлмасдан, хаёлпарастлик руҳида тарбияланиб, кино-видеофильмларда тасвирланган “идеал қаҳрамон” бўлиш орзусида юрган айрим ёшлар келгусида ёлланувчилар қаторини тўлдирмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Бундай салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, адашган ёшларни бу йўлдан қайтариш мақсадида жаҳоннинг кўпгина давлатлари сингари мамлакатимиз Жиноят Кодексида ҳам ҳарбий кўнгиллилик фаолияти учун жиноий жавобгарлик тўғрисида қўшимча модда киритиш зарурияти туғилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг **“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”**ги Қонунида фуқароларимизнинг ҳукумат томонидан белгиланган тартибга зид равишда хорижий давлатлар қуролли кучлари ёки бошқа ҳарбийлашган тузилмаларида хизмат қилишини таъқиқлаб қўйиш ва мазкур қонун талаблари бузилган тақдирда Жиноят-процессуал Кодексга тегишли жазо чоралари қўллаш тўғрисида модда киритиш мақсадга мувофиқдир.

Юртбошимизнинг БМТнинг 1993 йилдаги 48-сессияси, ЕХҲТнинг 1999 йил Истанбулдаги йиғилиши каби халқаро миқёсдаги анжуманларда илгари сурган фикрлари ва **“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”** асарида минтақавий можаролар ва халқаро терроризмнинг вужудга келиши, шаклланиш жараёнлари ва оқибатлари чуқур таҳлил этиб берилган. Дарҳақиқат, асримиз вабоси бўлган бу бало-қазонинг барча кўриниш ва омиллари инсоният жамияти ҳаётидан тагтомири билан йўқотилмас экан, у ҳамиша одамлар бошига мислсиз кулфатлар солаверади.

Хулоса қилиб айтганда, қайси миллат, маслак ёки ижтимоий-сиёсий ташкилотга аъзо бўлмасин, пировард мақсади бирон-бир давлатда сиёсий тизимни ноқонуний ўзгартириш, ҳокимиятни тажовузу таҳдид, зўравонлик ва бошқа турли разил йўллар билан қўлга олиш мақсади бўлган терроризмнинг “таянч нуқта”ларидан бири ҳисобланган ёлланиш ҳаракатининг барча кўриниш, усул ва услублари учун қонуний жавобгарлик белгиланиши лозим. Бу тадбир террорчиликнинг пайини қирқиш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

**А.ПИРИМОВ, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди**

*Тарих тилга кирганда*

# АДОЛАТ ТАРОЗУСИНИНГ УЧ ПАЛЛАСИ

Ўтган асрнинг 90-йиллари эди. "Ёш куч" журналида бўлим муҳаррири вазифасида хизмат қилардим. Ўша йиллари Соҳибқирон Амир Темур шахсига қизиқиш ғоят ортган эди. Қаламкаш дўстлар билан бирга "Амир Темур ўгитлари" китобини нашрга тайёрлаётган эдик. Бир куни журналимиз Бош муҳаррири ўринбосари Хуршид Дўстмуҳаммад Соҳибқирон ҳақида 19-асрда ёзилган асар қўлига тушиб қолганини айтиб, агар хоҳиш бўлса, биргаликда таржима қилишни таклиф этди.

Бу асар "Икки тўлқин" дея аталиб, рус тарихчи публицисти Владимир Черeванский қаламига мансуб эди. Китобнинг илк боби Чингизхонга, иккинчи боби эса Амир Темурга бағишланган экан. Биз биргаликда асарни таржима қилиб тугатдик. У "Амир Темур" номи билан 1993 йилда китобхонлар қўлига бориб тегди.

Мана, орадан 8 йил вақт ўтди. Бу йиллар эзгу орзумиз — истиқлолни мустаҳкамлаш, давлатимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш, кўплаб бобокалонларимиз, жумладан, Амир Темур шахсига нисбатан адолатни тиклаш йиллари бўлди.

Журналист сифатида Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темур бобомиз ҳайкалларининг очилишида иштирок этдим. Юртбошимиз Ислом Каримов бобокалонимиз шахси ҳақида сўзлар экан, давлатни бошқаришда у амал қилган 12 қоидани алоҳида таъкидлади. Айниқса, "Куч — адолатда" деган тамойил Президентимиз сиёсатининг ҳам моҳиятига айланди.

Тарих буюк муаллимдир. Унинг китобини очар экансиз, шонли тарих битилган саҳифалар тилга киради. Мана ўша тарихнинг мўъжаз саҳифаси...

771 йил (милодий 1369 йил). Рамазон ойининг ўнинчи куни. Амир Ҳусайннинг ўлимидан сўнг Балх шаҳри яқинида қурултой чақирилди. Соҳибқироннинг пири Мир Саид Барака халқ олдида Амир Темурни ҳукмдор деб эълон қилар экан, унга қуйидаги сўзларни айтди: Сизга Оллоҳ иродаси ва адолат қонун бўлгай. Шуни ёдда маҳкам тутингким, адолат ипини йўқотгудек бўлсангиз, уни ўз фаолиятингиз асоси деб билмасангиз, сизни тахтга етаклаб келтирган барча нарсалардан мосуво бўлғайсиз.

Шуни айтиш жоизки, Соҳибқирон Мир Саид Бараканинг ана шу пурҳикмат сўзларига, яъни адолат тамойилларига бир умр қаттиқ амал қилиб, салтанатни бошқарди.

Бир куни Соҳибқиронга ривоят сўзлаб беришади. Бу ҳикоя узоқ мамлакатнинг султони ҳеч ким кўрмагани боис масжидга таҳорат билан кирганини муфтийга исботлаб беролмагани ҳақида эди. Бу ривоятдан Амир Темур ўзига хос хулосага келди. "Бундан буён мен уйқудан тургандан то хобгоҳга киргунимга қадар икки назоратчи тайинлансин. Улар менинг кун давомида бажарган ишларимни кузатиб борсин ва кун якунида қандай хатоликларга йўл қўйганимни баён қилиб борсин", дея амру фармон беради.

Энг муҳими, бу назоратчилар ҳам тасодифий одамлар эмас эди. Уларнинг ҳар бири халқ орасида обрў топган холис кишилар эди. Назоратчиларнинг бири Маҳмуд Шаҳоб эди.

Тарихчи китобда Маҳмуд Шаҳобнинг назоратчи этиб тайинланиш жараёни хусусида ҳам батафсил тўхталади. Маълум бўлишича, у илгари баҳодир йигит бўлган. Айни назоратчиликка тайинланаётган кезларда ҳам ёши ўтиб қолганига қарамай ғоят бардам эди. У яшайдиган маҳаллада бирор низоли масала чиқиб қолса, кишилар қозининг эмас, баҳодирнинг олдига муроса истаб келишар эди. Шу боис унинг холис ва донишмандлиги ҳақидаги гаплар Амир Темурнинг қулоғигача етиб келган эди.

Эл ишончини қозонган бу кишини кўриш нияти туғилиб, Соҳибқирон уни бошлаб келишни буюради.

Ниҳоят, саройга тўпиғигача оқ яктак кийган, узун оқ соқолли, барваста кекса чол қадам қўяди. У баъзи бир кимсалар каби қуллуқнамо хатти-ҳаракатлардан буткул холи эди. У салтанат тахтига яқин келар экан, Соҳибқирон унга шундай савол беради:

— Адолатли жазо бериш учун нима қилмоқ керак?

— Сизнинг ҳакамларингиз тарозуси икки паллаликдур. Адолат тарозуси эса уч паллага эга, — дея жавобга тутинади Маҳмуд Шаҳоб. — Сизнинг ҳакамларингиз жиноят ва жазони ўлчайдилар. Сиз улар тарозусига учинчи паллани қўшиб, аввало, жиноятчини, кейин жиноятни ва ниҳоят, жазони чамалаб ўлчашни буюринг. Шунда сизнинг ҳар бир ҳукми фармойишингиз адолатли бўлади.

Соҳибқирон донишманднинг бу жавобидан дафъатан қаноат ҳосил қилади ва уни ўзига назоратчи этиб тайинлашни буюради. Шу кундан эътиборан донишманд учун сарой ва барча махфий кенгашлар эшиги очиқ бўлишини айтади.

Мана шу тарихий парча Соҳибқироннинг адолат масаласига қанчалик катта эътибор қаратганини кўрсатади. Бу ҳикояни келтиришдан мақсад хизмат вазифаси инсонлар тақдири билан боғлиқ юртдошларимизга буюк бобокалонимиз ибратларини унутмаслик истагидан иборатдир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Инсон ҳар нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка асло чидай олмайди".

**Амирқул КАРИМ,**
**журналист**

## Оталар дейдики:

***Адолат барча фазилатлар ичидаги энг олий фазилатдир.***

* * *

***Умрбоқий нарсаларгина буюк, фақат адолатгина умрбоқийдир.***

* * *

***Сахий бўлиш жуда осон, қийини — адолатли бўлиш.***

* * *

***Яхши одам бўлиш учун адолатсизлик қилмасликнинг ўзи кифоя эмас, уни бутунлай истамаслик ҳам керак.***

* * *

***Бахтсизликда бурчга содиқ қолиш буюк хислатдир.***

## КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

***Ўқитувчи ҳамкасбига шикоят қилипти:***

***— Жуда бефаросат синфга йўлиқиб қолдим-да ...***

***— Нима учун?***

***— Теоремани тушунтириб берсам, тушунишмайди. Иккинчи марта тушунтирсам — тушунишмайди. Учинчи марта тушунтирдим, ниҳоят, ўзим ҳам тушуниб олдим, лекин болалар барибир тушунишмади...***

*Таажжуб!*

# АЛДАГАНИ "ТАЛАБА" ЯХШИ(МИ?)



*ёхуд эгриликнинг оқибати ҳам эгри бўлиши хусусида*

Музработ туман марказида тиббиёт билим юрти очилибди, деган хушхабар аҳоли орасида бир зумда тарқалиб кетди. Чўл бағрида жойлашган туман марказида илм даргоҳи очилганлигини эшитган ота-оналар ва ўқишини тугатиб, иш тополмай юрган ёш қизларнинг қувончи бир олам эди.

Кўпчиликнинг орзуси ушалагандай...

Аммо ишонган тоғингда кийик ётмас экан. Кўпчиликка хушхабар бўлиб, янгилик тариқасида тилга тушган бу илм даргоҳи орадан йиллар ўтгач, сохта эканлиги аён бўлди.

Хўш, боламизни ўқитамиз деб, не-не орзу-умидлар билан билим юртига пул тўлаб, сўнг унинг сохта эканлигини билган ота-оналару талабаларни сарсон-саргардон қилган "кашфиётчи"лар ким?

Наҳотки, улар билатуриб элни алдашган бўлишса?..

Музработ туманида масъулияти чекланган "Форобий" номли жамият фаолият кўрсатиб турганди. Унинг раиси Холмуҳаммад Эгамшукуров ва бош ҳисобчи Фахриддин Эгамовлар ўзаро тил бириктиришиб, тиббиёт билим юрти ташкил қилишга жон-жаҳдлари билан киришади. Дастлаб қаерлардандир нусха олинган билим юртининг низомлари, керак бўладиган бошқа ҳужжатларни тахлаб, ҳатто тумандаги "Савдогарбанк"дан алоҳида ҳисоб рақами ҳам очишга эришади. Энг қизиғи шундаки, 2000 йил 17 май кунида чиқарилган туман ҳокимиятининг 270-сон қарорига асосан билим юртининг низоми тасдиқланиб, рўйхатдан ўтказилади. Қарорда ушбу тиббиёт билим юрти кичик тиббиёт ҳамшираси, ҳамшира-акушер, доришунос мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаши алоҳида кўрсатилиб ўтилган. У ёқ-бу ёғини суриштирмасдан ҳам ҳокимиятдаги мутасадди амалдорлар қарор чиқариб, имзо чекишаверяркан-да?

Билим юрти "ташкилотчилари" илм олиш истагида юрган ёшларни тез кунда ўз қароргоҳларига жалб қилишнинг янгича усулини ўйлаб қўйишган эди. Яъни, келажакда тиббиёт сир-асрорларини ўрганиб, ўрта мутахассис бўлишни ният қилганларнинг ҳар бир 1999-2000 ўқув йили учун 30 минг сўмдан билим юртининг "Савдогарбанк"даги 20212000104070725001 сонли ҳисоб рақамига пул тўлашлари лозим эди. Улар ўйлагандек, талабгорлар кўпчилик экан. Бир зумда 69 нафар бўлажак "талабалар"дан 940 минг сўм ҳисоб рақамига келиб тушади. Демак, ҳамма ишлар рисоладагидек. Билим юртида ўқув йилининг дастлабки машғулотлари ҳам апил-тапил бошланиб кетади. Дарс бошланиши олдидан синфхоналарга бир-бир кириб чиққан билим юрти директори Холмуҳаммад Эгамшукуров талабаларга қараб, мен сизларга оталаринг қилмаган яхшиликни раво кўрдим. Мана, қаранглар, сизларни деб ҳатто кириш имтиҳонларини ҳам олиб ташладим. Ғайрат қилиб ўқинглар. Ҳали иккинчи босқичга ўтганларингдан сўнг марказий шифохоналарда амалий машғулотларда бўласизлар. Шартнома пулидан қарздорлар эса дарров қолган қисмини тўласин, дея талабалар олдида виқор билан ваъз айтган бўлади.

Ҳали эртанги тақдирини билмаган талабалар ўз "устозлари"дан беҳад хурсанд бўлишиб, у кишига дилларида самимий миннатдорчилик билдириб юришади. Илм даргоҳининг бошлиғи Холмуҳаммад Эгамшукуров талабаларга пухта билим берадиган "малакали мутахассислар"ни ҳам бир зумда топади. Қаердан дейсизми? Туман марказий шифохонасидаги ўзига таниш дўхтирларни чақириб, "Мана, ўқувчилар. Ҳормай-толмай дарс бераверинглар" деб ишга қабул қилади.

— Дарслар ҳам чала-чулпа ўтилар эди, — деб эслайди собиқ талабалар Санобар Боймуродова ва Нилуфар Эшболтаевалар афсус билан, — медицинадан узоқ фанлар гўё дарс сифатида ўтилгандек бўлинарди. Ўқув йилининг иккинчи йилида директоримиз яна 10 минг сўмдан диплом олиш учун пул йиғиштириб олди. Энди билсак, ҳеч қанақа диплом ҳам берилмас экан. Хуллас, билим даргоҳимиз сохта экан. Биз ёшлар кимга ишониб юрганимизни кейинчалик билдик. Афсус...

2000 йил 22 май куни вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Чори Аллаёровнинг имзоси билан билим юрти маъмуриятига илм даргоҳини очиш учун Вазирлар Маҳкамасининг махсус рухсатномаси бўлиши ҳақида огоҳлантириш хати юборилади. Бироқ сохта билим юртининг маъмурияти бу расмий ҳужжатни писанд қилмасдан ўз фаолиятини давом эттираверади. 2000-2001 ўқув йили учун шартнома нархи 42 минг сўмга оширилиб, талабалардан яна 1 миллион 967 минг 567 сўм пул йиғиб олинади.

— Биз чиндан ҳам ишонган эдик, — дейди собиқ талаба Гулсанам Жумагелдиева, — кейинги ўқув йилига тўлаш учун маблағ йўқлиги сабабли уйдаги рўзғор буюмларини сотиб, 42 минг сўм тўлабман. Бизни шу йил апрел ойида амалий машғулотларга юборишганда, шифохона маъмурияти билим юртининг махсус рухсатномаси йўқлиги сабабли касалхонага киритишни ман этди. Кейин билсак, ҳаммаси ёлғон экан.

Айни пайтда билим юрти ташкилотчилари устидан жиноий иш қўзғатилган. Улар ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб беради. Аммо ўқишга ташна ёшларни ёлғон йўллар билан алдаш, махсус рухсатномаси бўлмай туриб, билим юртини ташкил этишга қарор чиқариб берган ҳокимиятдаги амалдорларнинг ҳаракатини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай қинғирликнинг баҳоси қанча?

**Дилмурод АБДУРАҲМОНОВ,**
**Музработ туман прокурори,**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



# ФАҚАТ ЭР ГУНОҲКОРМИ?



ТАҲРИРСИЗ МАКТУБ

"Инсон ва қонун" газетасининг 2001 йил 6 ноябрдаги 43-сонида "Жонга жондош(ми?) яхши одамлар" сарлавҳали мактуб-мақолани ўқиб жуда таажжубга тушдим. Чунки мактуб бир томонлама ёзилган бўлиб, "Фақат эр айбдор", деган хулоса чиқарилган.

Чиндан ҳам, мен Мавлуда Ашурова билан 1983 йилда никоҳдан ўтиб, оила қурдим. Бирин-кетин фарзандларимиз дунёга келди. Учинчи фарзандимиз туғилгандан сўнг хотинимнинг онаси, қариндош-уруғлари бизнинг турмушимизга аралаша бошлади. Чунки, мен кеча-кундуз болаларим, оилам деб тиним билмай ишлардим ва тадбиркорлигу ишбилармонлигим эвазига келаётган мол-мулк қайнонамга, унинг оиласига ҳам керак бўлиб қолди. Шундан кейин оиламизда келишмовчиликлар, баъзи нарса-буюмларнинг йўқолишию гап ўргатишлар бошланди. Бу ҳолат мени уйдан бездириб қўйди.

Айниқса, хотинимнинг 83 ёшли отамни хўрлаши, ўз уйига ўзини сиғдирмагани ва камситгани йигитлик ғуруримни ерга урди. Чунки, отам иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Энди қарилик гаштини суриб яшайман, деганида келинидан ҳақорат эшитиши, албатта, номаъқул иш. Хотиним онасининг гапига кириб, қилган номаъқулчилиги ҳақида отам кўзига ёш олиб менга айтганида жуда қаттиқ хафа бўлиб кетдим. Энди бундай аёл билан бир ёстиққа бош қўйишнинг иложи қолмаган эди. Ажралиш ҳақида ариза бердим. Бироқ хотиним буни истамасди. Онаси билан бирга кирмаган эшиги, бормаган идораси қолмади. Мени прокуратура, ҳокимликлар, ички ишлар бўлимлари идоралари тинимсиз чақиришиб, уларнинг аризалари бўйича роса текшириш олиб боришар ва асоссизлиги учун шикоятларга рад жавобларини беришарди. Она-бола эса ёзишдан тўхтамади. Оқибатда Навоий вилоятидаги барча ҳуқуқ- тартибот органлари уларнинг кимлигини билишди.

Яна шуни айтишим жоизки, мактубда кўрсатилган аллақанча уй-жойларнинг ҳаммасининг ўз эгалари бор. Чунки мазкур масалалар 2001 йил 21 сентябрда Навоий туманлараро фуқаролик судида кўриб чиқилиб, суд ушбу ҳолатларга ўзининг одилона баҳосини берди. Ҳатто вилоят фуқаролик ишлари бўйича судининг 2001 йил 16 октябрдаги апелляция судлов ҳайъати ҳам туман судининг қарорини тўғри деб топди.

Мактуб-мақоладаги хотинимнинг икки марта операция бўлдим, дегани рост. Аммо мен унга умуман қўл кўтармаганман (агар қўл кўтарганимда жанжалнинг каттароғи бўлишини аниқ билардим). Операция эса аёллар касаллиги билан боғлиқ бўлиб, уни туман ижтимоий таъминот бўлими ва касалхонадагилар ҳам исботлаб бера олишади.

Бугунги кунда мен расман Мавлуда Ашурова билан яшамасам-да, лекин оилам ва болаларимнинг аҳволидан доимий хабар олиб турибман. Ҳеч қачон бирор боламни ҳам муҳтож қилиб қўймайман. Чунки улар менинг жигарбандларим-ку, ахир. Навоий шаҳридаги икки хоналик уйни эса аллақачон хотинимнинг номига расмийлаштириб қўйганман.

Мактубни ёзишимдан мақсад фақатгина хотинимнинг мактуб-мақоласига жавоб бериш эмас, балки келажакда мана шунақа ноҳақликлар бўлмаслиги учун бошқаларнинг эр-хотиннинг (оиланинг) ички муносабатларига аралашишмаслигини айтиш ҳамдир. Бировларнинг оиласига аралашишлар оқибатида уларнинг ажралиб, юзкўрмас бўлиб кетиши ҳолларини жамиятимизда кам деб бўлмайди. Халқимизда "Эр-хотиннинг уруши, дока-рўмолнинг қуриши", деган ажойиб ибора бор. "Дока-рўмолнинг қуритилиши"-га эса бошқаларнинг аралашиши тўғри эмас, деб ўйлайман.

**Ражаб АШУРОВ,**
**Навоий туманидаги Қодир Раҳимов номидаги ширкат хўжалиги**

***ТАҲРИРИЯТДАН:***

***Мана, азиз газетхон, сиз "таҳрирсиз мактуб" рукни остида берилган хат билан танишдингиз.***

***Албатта, газетанинг бу оиладаги ўзаро келишмовчилик устидан ҳакамлик қилиш мақсади йўқ.***

***Бу борада Навоий вилоятидаги мутасадди идоралар ўз фикрини айтади ва бизга аниқ жавоб йўллашади, деган умиддамиз.***

*Мутолаа*

# ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, бани башар ҳаётда тўғри йўл излаган. Ва кўпинча бу вазифа буюк донолар елкасига тушган. Шарқ донишманди Кайковуснинг "Қобуснома" асарини қўлга олмаган, жуда бўлмаганда унга эҳтиёж сезмаган киши топилмаса керак. Ахир, ҳаётнинг турфа соҳаларида, оталик маслаҳатини беради бу асар.

Маълумки, шўро даврида оила хусусида алоҳида фан ўқитилмас эди. Жамиятшунослик предметининг оила бобида жуда сиёсийлашган бир жумла — ўша даврнинг афоризми турар эди: "Оила — жамиятнинг кичик ячейкаси". Бу жумла оила қурсанг, билиб қўй, сен социализмнинг митти бўлагини яратган бўласан, деган нуқиш, иддао эди.

Мустақиллик йилларида оила билан боғлиқ қарашлар яхлит фан сифатида ўқув юртларида ўқитила бошланди.

Яқинда "Шарқ" нашриёти "Оила психологияси" номли китобни босмадан чиқарди.

Албатта, ҳар қандай китобнинг қадр-қиммати унинг маъно-моҳияти, ўқувчиларга нима бериши билан ўлчанади. Даставвал ундаги нақл, латифа ва ривоятларни мириқиб ўқидим. Суратлари эса ундан-да ғаройиб экан. Китобнинг сўнгги варағини ёпар эканман, муаллифлар савоб ишга қўл уришибди, деган қарорга келдим. Дарҳақиқат, бу — зарур қўлланма. Кириш сўзида таъкидланганидек "оила психологиясини илмий жиҳатдан ҳар томонлама тўлиқ ифодалашга ҳаракат қилинган".

Бундан бир аср муқаддам ёшларнинг жинсий балоғатга етиши 15-16 ёшга тўғри келса, ҳозирга келиб балоғатга етиш ёши 2-3 ёшга илгарилаб кетган. Яъни, ҳозир бу ҳолат 12-13 ёшларга тўғри келади. Демак, мактаб партасида ўтирган ўғил-қизларимиз психологиясини кузатишга, назорат қилишга мажбурмиз. Йўқса, эртага кечикиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Китоб никоҳ-оила муносабатларидан тортиб, уларнинг тоифалари, вазифалари, жинсий ҳиссиётлар, уларнинг тарбияси хусусида батафсил илмий маълумот беради.

Мазкур асар зарур афоризмлар, ўгит, ҳадис, ривоят, савол-жавоб, тест синовлари тарзидаги турли илмий коминациялар, керагида ҳазилнамо суратлар билан ҳам бойитилган. Бу, ўйлашимизча, илмий иборалар, терминлар мағзини чақишга бир қадар қийналган ўқувчининг кайфиятини кўтариб юборади.

Мухтасар қилиб айтсак, оилада ўқиладиган зарур қўлланма қўлимизда. Уни ўқиб, обдон мулоҳаза юритсангиз ёки бировга тавсия қилсангиз арзийди.

**Улуғбек ИБРОҲИМОВ**

*Қилмиш-қидирмиш*

# ОҒУНИНГ ДОҒИ КЕТМАСДИР



***Гиёҳвандликнинг аср вабоси дея аталаётгани бежиз эмас. Бу заҳри қотилнинг одамлар ҳаётига кириб келиши шафқатсизлик, ёвузлик, тажовузкорлик каби инсон умрига зомин бўлувчи иллатларни пайдо қилади. Бутун инсониятни ташвишга солаётган гиёҳвандлик туфайли кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятлар содир этилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бугун радио ва телевидение тўлқинларида, газета ва журналлар саҳифаларида бу офатга қарши олиб борилаётган тушунтириш ишларининг нақадар жонланганига қарамай, айрим нопок кимсалар ҳамон ўз "нафси бало"ларидан қутула олмаяптилар.***

***Оғуфурушлик билан пул топиш илинжида ҳаракат қилиб, оқибатда ўз ботқоғига яна икки нафар аёлни ҳам тортган ва натижада ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари "қармоғи"га тушганлардан бири сурхондарёлик Шавкатулло Мўминов бўлиб чиқди. Шавкатдан топилган 37 грамм "героин" воситасини у кимлардан олганлигини тергов жараёнларида аниқлашнинг иложи бўлмади. Аммо Шавкатуллонинг мавжуд заҳри қотилни кимларга, нима мақсадда берганлиги бугун ҳаммага аён.***

## Гулнора нега уч хил сўзлади?

Тошкент шаҳрида яшовчи Гулнора Маҳкамова дастлабки терговда сурхондарёлик Шавкатулло Мўминовдан 37 грамм "героин" гиёҳвандлик воситасини 280 минг сўмга сотиб олганлигини баён этса-да, кейинги кўргазмаларида бошқача сўз юритди. Яъни, у турмуш ўртоғи гиёҳванд бўлиб, "героин" ундан қолиб кетганлиги, оилавий шароити оғирлашгач, оғуни сотиб, эҳтиёжлари учун пул топмоқчи бўлганлигини, дастлабки тергов даврида эса Ш.Мўминовга нисбатан нотўғри кўрсатма берганлигини айтди.

Аммо бироз муддат ўтгач, кейинги суд мажлисларида Гулнора яна бошқача сўзлади. Энди у дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмаси рост эканлигини, ҳақиқатни бўяб кўрсатишга ҳаракат қилганлигининг боиси кўпчилик унга "Сен аёлсан, қутулиб кетасан, Шавкатуллони эса қамаб қўйишади, йигитни қутқариб қолиш учун бошқача гапириш керак"лигини ўргатишгани хусусида баён этарди.

Хуллас, энди ўзига келган Гулнора энг тўғри йўл фақат ҳақиқатни сўзлаш эканлигини англаб етган эди.

## Очиқ ва аччиқ ҳақиқат...

Гулнора Маҳкамова хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, тирикчилигини ўнглаб олиш ниятида сурхондарёлик бир неча йигитни ишга ёллади ва гумма пишириб сота бошлади. Ҳамма иш маромида бораётган эди. Аммо ишлаб турган йигитларнинг ёнига Шавкат исмли шахс кела бошладию...

Гулноранинг ўғли бу хусусда шундай дейди: "Онам ишлаб турган жойга Ш.Мўминов келиб турганлигини, баъзан онам унга тахминан 100 ёки 150 минг сўм пул бериб юбораётганини кўриб қолардим. Лекин бу пуллар нега берилаётганини билмасдим..."

## Ёрдамчи Наиля

Г.Маҳкамова Шавкатуллодан олган заҳри қотилни бир ўзи сотишга қийналиб, қўшниси Наиля Содиқовага "ёрилади". Наиляга бу таклиф маъқул тушади ва Гулнорадан олган оғуни майдалаб, бир неча шахсларга турли нархларда пуллай бошлайди.

Наиля суд мажлисида ўз айбига иқрор бўлди. Гулнорадан 130 минг сўмлик гиёҳвандлик моддалари сотиб олганлиги ва ўзи ҳам "героин"ни қон томири орқали истеъмол қилиб кўриб, айни пайтда гиёҳванд бўлиб қолганлигини афсус билан баён этди.

## Виждон азоби ёмон...

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Шавкатулло Мўминов ўзига нисбатан эълон қилинган айбловга иқрорлик билдирмади. У сурхондарёлик йигитлар олдига ота-оналарининг саломини етказиб келиб-кетиб турганлигини, шу ерда Г.Маҳкамовани кўргани, аммо у билан ҳеч қандай суҳбатда бўлмагани, у ҳақда айтилаётган гаплар туҳматдан иборат эканлигини, негаки у Сурхондарёдан Тошкентга келгунига қадар йўлларда бир неча милиция постлари бўлиб, йўловчиларни тўлиқ текширувдан ўтказишларини, агар Шавкатуллода гиёҳвандлик воситаси бўлганида ўша ернинг ўзида ушлаб олишлари мумкинлигини, Г.Маҳкамованинг у тўғрисида берган кўрсатмасини тан олмаслигини айтди.

Гарчанд Ш.Мўминов ўзига нисбатан эълон қилинган айбловга иқрорлик билдирмаган бўлса-да, унинг мазкур жиноятдаги айби гувоҳлар ва қўшимча гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топди.

Нафс балоси оғуфурушлик дардига мубтало қилган Шавкатулло Мўминов ўз виждони олдида қийналмаётган бўлса-да, нопоклик кўчасига кириб қолган икки аёл қисматини кўрганлар Шавкатуллони "виждонсиз" дея тўғри баҳолашди.

## Жиноятга жазо муқаррар

Тошкент шаҳар, Шайхонтаҳур тумани жиноий ишлар бўйича суди ҳукмни эълон қилишда қонунчилигимизнинг инсонпарварлик тамойилларига риоя этди. Судланувчилар Г.Маҳкамова, Н.Содиқова, Ш.Мўминовларга жазо чораси ва муддатини белгилашда уларнинг муқаддам судланмаганликлари, оилавий шароитлари, яшаш жойларидан олинган ижобий тавсифлар инобатга олинди.

Гулнора Маҳкамова ва Наиля Содиқованинг ўз қилмишларига иқрор бўлиб, ўта пушаймонда эканлиги, Ш.Мўминов ҳамда Г.Маҳкамованинг қарамоғида бир нафардан вояга етмаган фарзандлари борлиги уларнинг айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, аммо улар томонидан содир этилган жиноятнинг жамият учун ўта хавфлилиги айбини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланди.

Қонун ҳамма учун баробар, жиноятга ҳамиша жазо муқаррар. Шу боис суд томонидан эълон қилинган Г.Маҳкамова ва Н.Содиқоваларнинг ҳар бирига 4 йилдан, Ш.Мўминовга 14 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси ҳукми ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Қиссадан ҳисса шуки, жиноятга ҳеч қаерда шароит яратилмасин. Гиёҳвандлик аср вабоси экан, унга қарши курашиш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади. Бу борада фикр ва тафаккур бедорлиги йўлдошимиз бўлсин.

**Салима ҚИЛИЧЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди жамоаси судья Алижон Жўраевга акаси **Раҳимжон ЖЎРАЕВ**нинг вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3043. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
Б. РАЙИМОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер операторлари:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.